

Мерос моли
тўзади,
Меросли ҳунар
ўзади.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ўзбек халқ мақоли.

1931-yildan chiqra boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 11-iyul, chorshanba № 55 (8496)

«ҚУЁШЛИ»НИНГ БИР КУНИ



Оппоқ қорли тоғ чўққилари оша секин-аста бош кўтарган бобо қуёш қалин дарахтзор узра заррин нурини оромгоҳ бўйлаб тарата бошлаганда болалар аллақачон уйқудан уйғониб, тонгги бадантарбия машқлари ва мазали нонуштадан сўнг гуруҳ-гуруҳ бўлиб машғулотларга киришган эди...

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чимён кўрғонидаги азим тоғлар кучоғида жойлашган «Қуёшли» оромгоҳида ҳар тонг ана шундай кутиб олинади.

(Давоми 7-, 16-бетларда.)

УЛАР ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Бугун жаҳон спортида Ўзбекистоннинг ўз ўрни бор. Бу номга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, хусусан, болалар спортига катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бири-биридан қолишмайдиган замонавий спорт мажмуалари қурилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ўғил-қизларимизнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилди. «Кичик олимпиада» деб ном олган ва халқаро доирада ҳам тан олинган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақалари ташкил этилиб, ўқувчи-талабалар спортга кенг жалб этилди ва шу йўл орқали уларнинг халқаро майдонлардаги йирик-йирик турнирларда муносиб иштирокига замин яратилди. Спортчиларимиз Осиё ва Жаҳон чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида ҳам медаллар шодасини кўлга киритиб, юртимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон номини жаҳон узра кенг таратмоқда.

(Давоми 8—9-бетларда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**СИФАТСИЗ
ДАФТАР —
БОЛАГА ХАТАР**

5-бет

**Айрим фанлар чуқур
ўрганиладиган
давлат
иختисослаштирилган
умумтаълим
муассасаларининг
ўқув режалари**

6, 10-бетлар

**ЁШ ОИПА
ТАЯНЧИ**

11-бет

**УЯЛИ
ТЕЛЕФОНДАН
ЭХТИЁТКОРЛИК
БИЛАН
ФОЙДАЛАНИНГ!**

12-бет

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқарма бошликлари, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректорлари ва туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирлари қатнашди.

Янги ўқув йили ва август кенгаши арасида ўтган йиғилишнинг кун тартибидида қатор масалалар кўриб чиқилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар прокуратураси масъул ходимлари ҳам иштирок этиб, тизимда содир этилаётган қонунбузарликларга қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалаларига тўхталди. Халқ таълими тизимида бу борада самарали фаолият олиб борувчи механизм яратиш зарурлиги таъкидланди. Жиноятчиликка чек қўйиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижро самарадорлигини таъминлаш учун соҳанинг етарли малака ва тажрибага эга ходимларидан иборат махсус комиссия ва экспертлар гуруҳини ташкил этиш белгилаб олинди.

Халқ таълими вазири Темури Ширинов раислик қилган мазкур йиғилишда «Халқ таълими муассасаларини Мустақиллик байрами, янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтириш ой-

лиги»ни ўтказиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар Мустақиллик байрамнинг бош ғояси — «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори мазмун-моҳиятини ўқувчи ва ўқитувчиларга етказиш, август кенгашиларини «Мустақил

Hay'at yig'ilishida

юрт педагоглари — сифатли таълим сари!» шиори остида ўтказиш каби масалаларга эътибор қаратишди. Шунингдек, таълим муассасалари Низоми ва ички тартиб-қоидаларига мувофиқ ҳар бир мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар этикасига мос (ота-оналар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда) бир хил кўринишдаги либос танлаш, умумтаълим мактабларининг санитария ҳолатини янада яхшилаш юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билимлар беллашуви республика босқичи якунлари, ви-

лоят, туман ва ҳатто мактаблар кесимида таҳлил этилиб, мамлакат миқёсида туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ва мактаблар рейтингини эълон қилинди.

Кун тартибидидаги муҳим масалалардан яна бири — умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълимига тўлиқ қамраб олиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокамасида аввалги йиллардагидан фарқли жиҳатлар таъкидланиб, келгусидаги вазифалар белгиланди.

Мажлисида, шунингдек, Навоий шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақаларининг якунлари юзасидан таҳлилий ҳисобот, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг якунлари ва истиқбол режалари, Халқ таълими тизимига хорижий грантларни жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилиниб, халқ таълими тизими фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Кўриб чиқилган барча масалаларни мустақил фикрли, юксак интеллектуал салоҳиятли шахсларни камол топтиришдек эзгу ғоя бирлаштириб туради.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ

БИТИРУВЧИЛАР ИШГА ЖОЙЛАШАЯПТИ

Ўзбекистон миллий тeleradiokompaniyasiga қарашли Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежи мамлакатимизда мазкур соҳага йўналтирилган ягона ўрта махсус ўқув муассасаси ҳисобланади. Жорий йилда мазкур таълим муассасасининг илк битирувчилари мустақил ҳаётга йўлланма олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий тeleradiokompaniyasini тизимда юқори технологияли тeleradiousskunalarдан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 1 апрелдаги қарорига асосан Тошкент шаҳар Бектемир туманида ташкил этилган, ўз фаолиятини 2009 йил 2 сентябрда бошлаган коллежнинг асосий мақсади — Республика миқёсида юқори технологияли замонавий тeleradiousskunalarда ишловчи ва ҳар томонлама билимли ҳамда юксак маънавиятли кичик мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, касб-хунар коллежидида ўтган ўқув йилида 5та, яъни телевидеооператор, телевидение, радиоалоқа ва радиоэфир воситаларига хизмат кўрсатиш, эксплуатация қилиш ва таъмирлаш техникаси, овоз ёзиш техник-технологии, видеомонтаж техникаси, махсус ёритиш бўйича механик мутахассисликлари

бўйича, жами 680 нафар ўқувчи таълим-тарбия олиб, касб-хунар ўрганишди. Касб-хунар коллежи битирувчиларининг асосий қисми ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини Ўзбекистон МТРК тизимида ўз соҳаси бўйича ўташди, мустақил ишлаш имкониятига эга бўлишди. Уларнинг битирув-малакавий ишларига раҳбарлик ҳам асосан шу соҳанинг етук мутахассисларига бириктирилди.

Муҳими, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари ва кейинчалик ишга жойлаштирилиши масаласида корхона ҳамда ташкilotлар билан уч томонлама шартномалар имзоланди. Бу йил коллежини 275 нафар ўқувчи тамомлади. Ҳозир битирувчиларнинг 70 фоизи уч томонлама шартнома асосида тeleradio соҳаси бўйича Ўзбекистон миллий тeleradiokompaniyasini тизимдаги корхона ва ташкilotларга, қолган қисми эса Тошкент шаҳридаги бошқа корхона ҳамда ташкilotларга ишга жойлашмаяпти.

Н.КОСИМОВА

"Bitiruvchi — 2012"



ЁШЛАРГА ДИПЛОМ ВА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Наманган шаҳрида академик лицей ва касб-хунар коллежларини тамомлаган уч минг нафарга яқин битирувчи мутахассислик дипломлари топширилди.

Тадбир доирасида битирувчилар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 178 корхона ва ташкilot уч мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада 1 минг 700 нафардан ортиқ ёш ишга кириш учун йўлланма олди.

Жорий йил вилоятдаги 106 касб-хунар коллежини 78 йўналиш бўйича 41 минг 880 нафар йигит-қиз тамомламоқда. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида 14 минг 625 иш берувчи корхона ва ташкilot билан уч томонлама шартномалар тузилган.

Тадбирда коллеждаги ўқиш даврида ўзининг ишбилармонлик салоҳиятини намойён этиб, турли бизнес-лойиҳалар ишлаб чиққан ёшлардан бир гуруҳга «Микрокредитбанк»нинг кредит сертификатлари берилди.

«Микрокредитбанк»нинг уч миллион сўмлик имтиёзли кредит сертификатини қўлга киритганидан хурсандман, — дейди ўқўғуонлик битирувчи Аҳаджон Эргашев. — Бу маблагни асарчиликни ривожлантиришга сарфламоқчиман. Биз, ёшларга давлатимиз томонидан берилаётган бундай имкониятлар ҳаётда ўз ўрнини топишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Суратда: Ўқўғуон туманидаги Янгиобод педагогика коллежи битирувчиси Муҳайё Халилова.

Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Юртимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ўқитиш сифати тобора юксалмоқда. Ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида ўтказиб келинаётган кўрик-танлов ва мусобақалар улар фаолиятини, фанларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, зарур камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва тўлдириш имконини бераётди. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимиз таълим тизими дунё миқёсида эътироф этилиб, ўн икки йиллик бепул узлуксиз таълим бериш тажрибаси хорижий мутахассислар томонидан кенг ўрганилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан жорий йил 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари бунинг исботидир.

Бугунги кунда соҳа ривожини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда, ўқув дастурлари мунтазам такомиллаштирилиб борилаётди. Мисол учун, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида таълим жараёнини ривожлантириш, таълим сифат-самарадорлигини ошириш ҳамда давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг такомиллаштирилган ўқув режаларини тасдиқлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 178-сонли буйруғи қабул қилинди.

Унга қўра, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг ўқув режалари ҳамда иккита фанни чуқурлаштириб ўқитишга мўлжалланган ўқув режалар тасдиқланиб, 2012-2013 ўқув йилидан амалиётга жорий этилиши белгиланди. Айни пайтда аънавий август кенгашиларидида мазкур ўқув режаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича ўқувлар ташкил этиш, жойларда ихтисослаштирилган фанлардан дарс машғулотлари олиб борувчи ўқитувчиларга режанинг мазмун-моҳиятини тушунириш кўзда тутилмоқда.

Ушбу ўқув режалар таълимга оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ихтисослаштирилган фанларни янада чуқурлаштирилган ҳолда ўргатишни назарда тутди. Хусусан, айрим фанлардан дарс соатларини қисқартириш ҳисобига ихтисослаштирилган фан соатлари миқдори оширилди.

Газетамизнинг ушбу сониди она тили, ўқиш, математика (2—4-синф) фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг (6-бет) ҳамда она тили (5—9-синф) фани чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг таянч ўқув режалари ва тушунириш хати берилмоқда (10-бет). Газетамизнинг кейинги сонларида қолган фанлар бўйича ўқув режалари билан танишиб боришингиз мумкин.

Abituriyent — 2012



ЯНГИ ўқув йилида мутахассислик ва имкониятлар

Инсон ўзи севган, имкониятлари, қобилияти ва қизиқишларига монанд касб-хунар эгалласа, завқ-шавқ билан меҳнат қилади, жамиятга ва атрофидагиларга кўпроқ нафти таъди. Айни пайтда хизматинг синггаётган соҳа миллат ва мамлакат ҳаётида нечоғлик муҳим аҳамият касб этаётганини ҳис этиш интилишларингги янада мустаҳкамлайди, масъулият туйғусини оширади.

Навоий педагогика институтини ўқиш орзусида мазкур даргоҳ эшигини қоқайтган ёшлардаги иштиёқ, дилларидаги ҳаяжон фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. 2012-2013 ўқув йили учун мазкур даргоҳга талабалар қабули кундузги бўлим бакалавр йўналишларига 1550та (давлат гранти асосида 575та, тўлов шартнома асосида 975та), магистратура мутахассисликлари 60та (давлат гранти асосида 13та, тўлов шартнома асосида 47та) ўрин кўрсаткичлар бўйича таълим тили ва йўналишлар кесимида тақсимланган. Шу ўринда олий даргоҳда 19 та бакалавр ва 10 та магистр йўналиши бўйича қабул квотаси белгиланиб, янги «Информатика ўқитиш методикаси» бакалавр таълими йўналиши, «География ўқитиш методикаси», «Математика ўқитиш методикаси» ва «Педагогика (фаолият турлари бўйича)» магистратура мутахассисликлари қабул ташкил этилгани таъкидлаб ўтиш жоиз. Айни кунда қабул жараёни қизгин давом этмоқда. Ота-оналар ва абитуриентлар эътиборини тортаядиган жойда эълонлар тахтаси илинган бўлиб, жараёнга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нусхалари тартиб билан жойлаштирилган. Мурожаат қилувчилар учун институт ховлисида дам олиш жойлари, овқатланиш шохобчалари ташкил этилган. Шу каби зарурий шарт-ша-

роитларни ҳозирлашга кўмаклашиш мақсадида кўнгилли назоратчилар гуруҳлари иш олиб бормоқда.

— Ёшлигимдан мураббий бўлишни орзу қилардим, — дейди ҳарбий хизматни ўтаб, мазкур илм даргоҳининг жисмоний тарбия факультетига ҳужжатлари топишган Илёмбек Ҳотамов. — Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жисмоний маданиятни юксалтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани бу орзумни қатъий қарорга айлантирди, десам муволаф бўлмас. Қабул комиссияси Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари сафида мудолати ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини атрофлича тусунтирди.

— Бугун ўқитувчи бўлишни дилига туккан инсон мукаммал билимга эга бўлиши, салоҳиятли устозлар тахсиллини олиши шарт, — дея сўхбадимизни давом эттиради яқиндагина Навоий

педагогика коллежини тугатиб, институтда ўқишни давом эттириш мақсадида педагогика ва психология факультетига кириш орзуси билан келган Малика Журакулова. — Дастлаб биз билан институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчиларининг учрашуви ташкил этилди. Институт ректори Холбой Ибрагимов таълим даргоҳининг тарихи, бугунги жўшқин ҳаёти, талабалар учун яратилаётган шарт-шароитлар, педагогик касбининг нозик жиҳатлари ҳусусида атрофлича сўзлаб берди. Бу мулоқот меҳр қўйган касбим ҳақидаги тасаввурларимни янада бойитди.

Дарвоқе, қабул комиссияси масъул котиби Э.Мусаевнинг таъкидлашича, институтда ўқишни ихтиёр этаётган ёшларнинг сони йилдан-йилга ортиб борапти. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳозиргача бошланғич таълим услуби факультетига 115 нафар талаба қабул қилиниши кўзда тутилган бўлса, талабгорлар сони 200 нафар, жисмоний тарбия факультетига 85 нафар йигит-қиз тахсил олиши кўзда тутилган ҳолда ҳужжат топширганлар 220 нафардан ошиб кетди. Шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили ва адабиёти факультетларида ўқишни ният қилиб, илм сирларини ҳижжалаб ўрганаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этапти.

... Қабул комиссиясида иш қизгин. Комиссия аъзолари эрталаб соат 7.00дан кечки соат 20.00га қадар ҳужжатларни қабул қилиш бариберида абитуриентлар ва ота-оналарни қизиқтирган саволларга жавоб беришга шай. Ҳатто телефон кўнгиноқларининг кети узилмайди. Бу ҳам ўқитувчилик касбининг эл аро обрў-эътибори ортиб, қадри юксалиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ТАЛАБАЛИК ЭНГ КУЧЛИЛАРГА НАСИБ ЭТАДИ

Наманган давлат университетини тамомлаган минг-минглаб мутахассислар бугунги кунда турли жабҳаларда, эл-юрт тараққиёти ва равнақи йўлида меҳнат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ёшлар орасида мазкур ўқув юртида ўқишни хоҳлайдиганлар кўп.

— Янги ўқув йили учун магистратура босқичига 11 та мутахассислик бўйича 64 нафар талаба қабул қилиш белгиланган, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Бекзод Турсунов. — Шундан 14 нафари давлат гранти, 50 нафари тўлов-контракт асосида. Бакалавр босқичига эса жами 24 та йўналиш бўйича 1090 нафар талаба қабул қилинади. Жумладан, 380 ўрин давлат гранти асосида бўлса, 710 ўрин тўлов-контрактни ташкил этади. Бу йилги қабулнинг аввалгиларидан фарқли жиҳати шуки, бакалавр босқичида касб таълими: иқтисодиёт, мактабгача таълим, архившунослик каби янги йўналишлар очилди. Магистратура босқичида эса физика, география, педагогика мутахассисликлари янги ҳисобланади.


Табиий савол туғилади: ушбу янги йўналишларни ташкил этишдан мақсад нима? Аниқки, жамиятда ушбу йўналишлардаги замонавий мутахассисларга талаб ва эҳтиёж катта. Биргина архившунослик ишини оладиган бўлсак, мазкур

ўқишга кириш учун астойдил тайёрландим. Насиб қилса, кимё фани муаллими бўлмоқчиман.

Наманган муҳандислик педагогика институтини ҳам қабул мавсуми қизгин бормоқда.

— Бакалаврлар тайёрлаш бўйича 17та йўналишга 900 нафар талаба қабул қилиш кўзда тутилган, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Аҳмадjon Тўхтабоев. — 6та мутахассислик бўйича магистратура босқичига 34та ўрин ажратилган.

Институтда қатор янги йўналишлар ҳам очилди. Жумладан, магистратура босқичига ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (транспорт турлари бўйича), касб таълими: бино ва иншоотлар қурилиши мутахассисликлари жорий йилдан ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бакалавр босқичида эса касб таълими: ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси, хизматлар соҳаси (автомобиль транспорти) йўналишлари янги ҳисобланади. Яна таъкидлаб ўтиш керакки, бакалавр босқичида 5та йўналишда рус гуруҳларига ҳам қабул олиб борил-



соҳа гоят долзарб аҳамият ва кенг қамров касб этмоқда. Ёшларда ҳам ушбу мутахассисликларни эгаллашга бўлган иштиёқ кучли.

— Андижон вилоятининг Балиқчи туманиданман, — дейди ота-оналардан бири Ҳамидахон Мухиддинова. — Умумтаълим мактабига ёшларга сабоқ бераман. Қизим Зулхумор Абдувалиева ҳам ўқитувчи бўлмоқчи. Бугун унинг ҳужжатларини топширдик. Қабул комиссияси фаолияти намунали ташкил этилган. Ота-оналарга, абитуриентларга алоҳида шарт-шароит ва қулайликлар яратилган.

— Балиқчи индустриал педагогика касб-хунар коллежини тамомладим, — дея сўхбатга қўшилди Андижон вилоятининг Улунғур туманидан келган абитуриент Шоҳида Бектемирова. — Қабул комиссияси фаолиятдан мамнунман. Маълумотлар тахтасидан барча йўналишлар, улар бўйича ажратилган квота ўринлар ҳақида билиб олиш мумкин. Кимё йўналишига ҳужжат топширдим.

моқда. Фаолият намунали ташкил этилаётгани натижасида кунига 200дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ота-оналар, абитуриентлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, ҳар бир йўналиш бўйича маълумотлар тахтаси тайёрланган. Қабул жараёнида кимлар ишляпти, кимлар масъул, мурожаат телефонлари, ҳатто битиргандан кейин қайси соҳаларда ишлаш мумкинлигига бўлган маълумотлар акс эттирилган.

Вилоятдаги яна бир олий ўқув юрти — Наманган муҳандислик технология институтини ҳам шундай намунали фаолиятнинг гувоҳи бўлдик.

Энг муҳими, чақноқ нигоҳларида ўзига, билимига ишонч, ёшликка хос сергайратлик акс этиб турган йигит-қизлар орасида бир-биридан билимилари бисёр. Омад эса уларнинг энг кучлиларига қулиб боқайди.

Исроил ЮСУПОВ

Наманган

Суратда: НамДУ қабул комиссияси фаолиятдан лаҳза.



❖ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ислохотлар жамиятимизни модернизациялаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, ёшларни эзгу ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Фестиваль доирасида коллежларда таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар иштирокида турли йўналишлар бўйича маҳорат машғулоти ташкил этилди. Ўқувчилар коллежларда ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар ижтимоий хизматлар марказида ташкил этилган тўғрақларда ўрганаётган касб-хунарларини намойиш этидилар.

❖ Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб «Ҳеч ким эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилган саломатлик ҳафталиги самарали яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган Саломатлик ҳафталиги мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ҳафталик тадбирларида 443 нафар юқори малакали шифокор иштирок этди. Улар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар.

Ҳафталик доирасида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларда соғлом оила қуришга интилишни кучайтириш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар, қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари каби мавзуларда мулоқотлар ўтказилди.

Бир ҳафта давомида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган саломатлик тадбирлари самарали яқунланди. Унда иштирок этганлар мамлакатимизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

❖ Жиззахда маданият муассасалари ходимлари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ватан мадҳи, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, тинч-осойишта ҳаётимиз, юртимизнинг бетакрор жамоли танловда иштирок этган эллик нафар санъаткор томонидан ўзига хос оҳангларда тараннум этилди.

Танлов якунига кўра, Жиззах шаҳри марказий маданият уйи вакиллари — жүрөвз хонандалар Воҳид Қаршиев, Юсуф Мирзаев, Фарҳод Фармонов биринчи ўринга лойиқ топилди.

Кўрик-танловнинг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси йўналиши бўйича ўтказилган вилоят босқичида академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси Дилноза Одилова биринчи ўринга сазовор бўлди.

❖ Пойтахтимиздаги Япон боғида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан «Болалик шарафига» хайрия бали ўтказилди.

Бешинчи марта ўтказилган «Болалик шарафига» хайрия балидан қўзланган асосий мақсад — болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазалашдан иборатдир.

Завқли ўйинларга бой тарзда ўтказилган мазкур тадбирда иштирокчилар расмийлик, қулолчилик, дизайнерлик, рақс, хонандалик, модельерлик, цирк санъати бўйича ўз қобилиятини намойиш этидилар. Санъат усталари, эстрада хонандалари ижросидаги концерт тадбирга янада кўтаринчилик бахш этди.

Мазкур хайрия тадбиридан тушган маблағлар меҳрибонлик уйлари, махсус тиббиёт муассасаларидаги болаларни кийим-бош, анжомлар билан таъминлашга, ижтимоий-хайрия акцияларига йўналтирилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Оппок кабутарлар парвози

Андижонда ёшлар шоу-фестивали бўлиб ўтди. Фестивал эрта тонгдан шаҳар-туманларда ва Андижон шаҳридаги 20дан ортиқ касб-хунар коллежи, 8та академик лицейда бошланди.

Сўнгра Андижон шаҳридаги «Соғлом авлод» марказий ўйингоҳи умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 20 мингдан ортиқ ўқувчилари ҳамда битирувчиларини ўз бағрига олди. Фестивалда сўзга чиққанлар ёшларни айём билан қўллаб, уларнинг ўқиш, иш ва келгуси ҳаётларига муваффақият тилади. Самога учирилган 4 мингдан ортиқ оппоқ кабутар бу эзгу тилакларни гўё қўллаб-қувватлагандек кўкда чарх урди.

Бу йил вилоятдаги ўрта махсус, касб-

хунар таълими муассасаларини 47 минг 25 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг энг иқтидорли ва ўзига хос ютуқларга эришган вакиллари иш либосларида ўзлари танлаган касб имкониятлари ва афзалликларини намойиш этидилар. Катта ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларнинг тантанали одимларида буюк келажак сари интилиш ҳисси сезилиб турарди. Атроф турфа рангли ёруғ шуъалар рақсига чулганди. Давлатимиз байроғи ҳилпираб, катта экранда истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз намойиш этилди. «Буюк келажакка билим ва хунар билан!» каби шиорлар янгради.

Тантаналарда вилоят ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

Орифжон СИДДИҚОВ

Андижон вилояти

Festival

Битирувчилар таълим муассасаларига йўл олди

Қарши шаҳридаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида битирувчиларга диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

Шаҳардаги мавжуд 15та касб-хунар коллежини жорий йилда 7100 нафардан зиёд, 5та академик лицейини 1500 нафарга яқин ўқувчи тамомлаб, олий ўқувчиликка ва иш фойлиятига йўлланма олмоқда.

Кичик мутахассислар тайёрлашда бой таърибага эга Қарши педагогика коллежини ушбу ўқув йилида 7та йўналиш бўйича 1400 нафар ўқувчи битирди. Битирувчиларга диплом топшириш маросимида сўзга чиққанлар касб-хунар коллежлари-

ни битираётган ёшларни иш билан таъминлаш учун барча зарур шарт-шароит яратилаётганини таъкидлаб, коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб қақариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича уч томонлама шартнома тузиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақида тўхталиб ўтдилар.

— Таълим муассасамиз битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида

вилоят халқ таълими, маданият ва спорт бошқармалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатганимиз, — дейди коллеж директори Рустам Ражабов. — Ушбу тадбирга, шунингдек, бир қатор бўш иш ўрнига эга ташкилотлар вакиллари ҳам таклиф этганимиз. Улар суҳбат асосида битирувчиларимизни ишга таклиф этиб, шу ернинг ўзида йўлланма беришмоқда. Битирувчиларимизнинг аксарияти вилоятнинг олис ва тоғли ҳудудларидаги таълим муассасаларига йўлланма олдилар.

МУХБИРИМИЗ

Тинчлик ва дўстлик тараннуми

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим муассасалари тизимида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг 3-босқичи бўлиб ўтди.

Унда 11 та олий ўқув юрти вакиллари ўз чиқишлари билан иштирок этди. Иштирокчилар Ватан, она, меҳр-муҳаббат, дўстлик

ва тинчликни тараннум этувчи куй-кўшиқлари, рақслари орқали ўзлари таҳсил олаётган олий ўқув юрти шаънини ҳимоя қилди.

Танлов натижаларига кўра, I-ўрин Қорақалпоқ давлат университети ва Самарқанд давлат университети ёшларига насиб этди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Болалар саломатлиги

ҳамкорликда мустаҳкамланмоқда

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети, Бундан Ча ва Ин Ха университети госпиталларида туғма юрак нуқсонли, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан оғриган ўзбекистонлик бемор болалар бепул соғломлаштирилди.

— Жорий йилнинг 6—13 июль кунлари Корея Республикаси Ин Ха университети госпиталининг анестезиолог, кардиолог, педиатр, ортопед, офтальмолог, эхокардиограф, фармацевт ва бошқа мутахассислардан иборат 17 нафар малакали шифокори республикамизнинг бир неча ҳудудларида, жумладан, жамғарманинг тиббий-ижтимоий марказида 160 нафар болани умумий тиббий текширувдан

Tadbir

ўтказди, — дейди «Соғлом авлод учун» жамғармасининг матбуот хизмати котиби Аббос Эргашев. — Юқори Чирчик тумани Суранкент қишлоғида жойлашган «Ариранг» қариялар уйида эса 60дан ортиқ ногирон бола ва 110дан ортиқ қарияга тиббий ёрдам кўрсатилди. Навоий халқаро аэропорти биносидан бемор

болаларнинг умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриги режалаштирилди. Доктор Ли Жунг-Вук хотира жамғармаси билан имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида жамғарма қошидаги тиббий-ижтимоий марказда замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланган янги бино қурилди.

Ҳамкорлиқнинг узвий давоми сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ин Ха университети, Тошкент тиббиёт академияси ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳамда врачлар малакасини ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Сир эмас, бир неча йил олдин юртимиз мактаб бозорларини хорижда ишлаб чиқарилган ўқув қуроллари эгаллаган, ўқувчи сумкасида тортиб оддий ўчиргич ёки қалам чиқаргичга четдан кириб келарди. Ушбу махсулотлар кўпинча миллий маънавиятимизга зид ғояларни тарғиб этиши билан фарзандларимиз онгига хавф соларди. Жумладан, мутахассислар фикрича «оммавий маданият»га хос қиёфада намоён бўлаётган кўшиқчи, актёрлар, жангари фильм қахрамонлари сурати билан «безатилган» daftarлар ўқувчи диққатини бўлиб, руҳиятида ахлоқсизлик, тажовузорлик, зўравонлик кайфиятини пайдо қилар экан. Мамлакатимизда ёш авлод камолотида қаратилаётган улкан эътибор натижасида муаммонинг олди ўз вақтида олинди. Бугунги кунда daftarлар, айниқса, ўқувчи daftarларига қатъий талаблар ишлаб чиқилган ва махсус сертификат олган махсулотларгина сотувга чиқарилмоқда.

Ўғил-қизларнинг зарур ўқув қуролларига талабини қондириш учун тадбиркор ва ишбилармонларга бир қатор имтиёзлар берилди. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги «Истеъмол бозорини ёзув daftarлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ матбаа фаолияти билан шуғулланувчи маҳаллий қорхоналар қўллаб-қувватланиб, махсулотлари сифати ошишига замин яратилди. Айни пайтда матбаа саноати учун четдан келтирилаётган хомашё ва материалларнинг қўшимча қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод этилгани ички бозорни миллий менталитетимизга мос равишда безатилган сифатли ва арзон ўқув қуроллари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Янги ўқув йили олдидан мактаб ўқувчиларини daftar махсулотлари билан тўлиқ таъминлаш масаласи ижобий ҳал этилган. Хусусан, янги дастгоҳлар ўрнатилиши натижа-

ат махсулоти. Кимёвий ва технологик жараёнда тайёр бўюмга айлантирилади. Қоғоз таркибида феноль, формальдегид ва оғир металл каби кимёвий моддалар меъёрдан ошиб кетса, ўқувчи саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу моддалар кучли аллергенлар ҳисобланиб, дастлаб аксириш, қисқа йўтал, терининг ачишиши ва қизариши, кўз ёшланиши, тошмалар топилишига олиб келиши мумкин. Кўпинча бундай ўзгаришлар сабабини боланинг кундалиқ овқатланиш рационидан излаймиз. Ваҳоланки, барчаси фарзандимиз кун давомида бирга бўладиган сифатсиз daftarлардан келиб чиқаётгани ҳаёлимизга ҳам

тарлардан фойдаланмаган маъқул.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзандининг ўқимишли, зукко бўлишини хоҳлайди. Сифатли, бежирим ўқув қуроллари эса боланинг дидини ўстириб, ўқишга рағбатлантиради. Буни англаб етган кўплаб ота-оналар фарзандига миллий менталитетимизга мос кундалиқ, ёзув ва расм daftarларини олиб беришга ҳаракат қилапти. Натижада, ички бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларга талаб ортмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 13 январдаги фармойишига биноан матбаа фаолияти билан шуғулланаётган

Dolzarb mavzu

лари амалдаги давлат ва тармоқ стандартлари, санитария-гигиена ҳамда меъёрий ҳужжатларда белгиланган бошқа талаблар асосида ишлаб чиқарилган. Қолаверса, улар сифатини ошириш мақсадида давлат ва тармоқ стандартларидан еттигасига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар ҳам киритилди.

Даftar муқовасини безашда билим олишга қорловчи, ватанпарварлик ғояларини тарғиб этувчи ҳамда буюк аждодларимиз ҳақида маълумот берадиган суратлардан фойдаланилаётгани харидорларга ҳар жиҳатдан маъқул келмоқда. Айниқса, алоҳида фанларга атаб ишлаб чиқарилаётган махсус daftarлар ўқувчининг ўқишга қизиқишини янада ошириб, мавзунинг чуқур ўзлаштиришига ёрдам бераптир.

— Болаларимга фақат «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остидаги daftarларни олиб бераман, — дейди Сергели туманида истиқомат қилувчи Мухтасар Жўраева. — Ахир, daftar ўқувчининг юзи. Ўқув қуролининг ҳолатига қараб унинг билимига, ҳулқи ҳам баҳо бериш мумкин. Кимё, математика, адабиёт дарслари учун тайёрланган махсус daftarларга фанга оид жадвал, формула ва маълумот киритилаётгани болалар эътиборини тортади.

Даftar шунчаки ёзув қуролли эмас, балки билим олишга ундовчи таълим-тарбия воситаси ҳамдир. Шундай экан, ўқув қуроллари харид қилишда талабчанликни унутмайлик. Зеро, биз сотиб оламиз даftar фарзандларимиз саломатлигига хатар бўлмасин.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

СИФАТСИЗ ДАFTAR — БОЛАГА ХАТАР

сида «Шарқ» НМАК, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи» ҳамда Фафур Фулом номидаги нашриётлар ва «Arena Holding Group» қорхонаси йилига 200 миллион донда даftar ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Ички бозордаги эҳтиёж эса йилига 120—150 миллион, ойига 12—15 миллион донани ташкил этади. Бундай шарт-шароитлар тўғрисида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўқувчилар талаби тўлиқ қопланиб, хориждан даftar олиб келишга зарурат қолмади. Юртимизга турли ноқонуний йўллар орқали сифатсиз daftarлар кириб келишининг олдини олиш учун масъул муассасалар томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилаётир.

Ўқув қуроллари бу — сано-

келмайди. Санитария-гигиена талабларига биноан даftar учун давлат стандарти 18510 ва сифат кўрсаткичлари унга тенглаштирилган 1 метр квадрат майдоннинг массаси 70 грамм (1-синф ўқувчилари учун 80 грамм), оқлиги 74—88 фоиз бўлган, силлиқлиги, механик мустаҳкамлиги ва бошқа жиҳатлари кўрсаткичларга мос қоғоз танланади. Шунингдек, белгиланган стандартларга кўра, даftar чизиклари бинафша, қўқ, қора, зангори, кулранг бўлиши мақсадга мувофиқ. Ён ҳошия чизиги учун қизил ранг тавсия этилади. Биринчи синф ўқувчиси диққатини жалғитмаслик, кўзга акс таъсир ўтказмаслиги учун асосий чизиги қора рангдаги даftar

юридик шахсларга кундалиқ, ёзув ва расм daftarлари ишлаб чиқариш учун четдан олиб кириладиган ва божхона тўловлари(божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқаридан озод қилиниши лозим бўлган қоғоз хомашёларининг рўйхати тасдиқланган эди, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Рўздат Сафоев. — Белгиланган имтиёزلардан мақсадли фойдаланган ҳолда 2 минг 380 тоннадан зиёд қоғоз хомашёси олиб келиниди ва 52 миллион донда (ёзув, кундалиқ, расм) даftar махсулотлари ишлаб чиқарилади. Шу кунларда сотувда бўлган daftarлар эса қарийб 50 миллион донани ташкил этади. Ушбу матбаа махсулот-

ДАРСНИНГ МЕТОДИК ТАҲЛИЛИ

қандай амалга оширилади?

Ёш авлод таълим-тарбиясида дарс самарадорлигига эришиш, замонавий технологиялар асосида сабоқ бериш муҳим ва-зифа ҳисобланади. Бу борада биз педагоглар «Дарс — муқаддас» тавсияси асосида ўқув йили давомида касбий малака ва маҳоратимизни оширишга ҳаракат қилдик. Ўқитувчиларимиз ўзаро фикр алмашиб, илғор тажрибаларни ўрганиш ва фаолиятини танқидий баҳолаш орқали ўз камчиликларини бартараф этапти. Бир-биримизнинг дарсимизни кузатиб, умумий таҳлил қилиб, якуний ҳулосаларни муҳокама этишга одатландик. Айтиш жоизки, дарс таҳлили учун, аввало, сабоқнинг мақсадини аниқ билиш ва 45 дақиқалик вақтни тўғри тақсимлаш керак. Бунинг учун қуйидаги йўналишда ишлаш талаб этилади:

- ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш;
- янги мавзунинг ўрганишга ижодий ёндашиш;
- мавзуга доир билимларни АКТ ва педагогик технологиялар-

дан фойдаланган ҳолда етказиш;

- дарс жараёнида эгалланган билимларни такрорлаш.

Кузатувчи ўқитувчи машғулот давомида замонавий педагогик технологиялар, кўргазмали қуроллар ва электрон дастурлардан самарали фойдаланилганига эътибор қаратиши керак. Таҳлил асносида мавзу қай даражада реал ҳаёт билан боғлаб тушултирилгани ҳамда ўқитувчининг ўқувчи фаоллигини оширишга эришишдаги маҳорати инобатга олинishi лозим. Машғулотнинг илмий таҳлилида эса ўқувчи билимини мустақил иш орқали сынаб кўриш, нутқ маданиятини ҳисобга олиш, қўшимча адабиётдан фойдаланишга аҳамият қаратилади.

Асосийси, бир соатлик дарс таҳлили хато ва камчиликларни тузатиш, сифат ва самарадорликка эришишга хизмат қилсин.

Гулчеҳра ҚОРАБОЕВА,
Ўзбекистон туманидаги
4-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Оқ қоғозда тўлқинланган мовий денгиз, катта-кичик балиқчалар, тепароқда сузиб юрган булутлар, нур таратаётган оғтоб ва олисдаги пурвиқор тоғлар тасвири...

Ҳали бўёғи қуриб улгурмаган бу расмга гарчи тасвирий аниқлик етимишса-да, Ер юзидаги барча жонотлар табиий бирликини ҳосил қилиши, она табиат гўзалликларидан завқланиш, уни асраб-авайлаш сингари маънолар сингдирилганини илғаш қийин эмас.

БОЛАЛАР БОРЛИҚ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ ЎРГАНАЯПТИ?

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 149-мактабгача таълим муассасаси тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари ўз тасаввурларини қоғозга туширишаётган эди.

— Бу — олтин балиқча, — дейди чизган суратини изоҳлаётган Зайнабхон. — Мен ундан доимо осмонимиз мусаффо, дунёимиз тинч бўлишини сўрайдим...

Бошқа кичкинтойлар ҳам ўз «асар»ини изоҳлай кетди. Уларнинг расмлари ранг танлашни, тасвирланган манзараси билан бир-бирдан фарқ қилса-да, барини умумий муштараклик — она табиатни севиш ва қадрлаш ғояси бирлаштири туради.

— Муассасамизда 258

нафар бола тарбияланмоқда, — дейди МТМ раҳбари Холида Саидова. — Маълумки, бола борлиқ ҳақидаги маълумотларнинг етмиш фоизини беш ёшга қадар олади. Ана шу пайтгача уларнинг қалбига эзгулик уруғини кўпроқ сочишга улгуриш керак.

Муассасадаги хоналарга кирганимизда ўзимизни бамисоли табиат қўйида юргандек ҳис этдик. Тувакларда баравж ўсган гуллар, қарасчаларда чуғурлашаётган қушлар, аквариумда ўйноқлаб юрган балиқчалар... Кичкинтойлар, айниқса, Ер ва коинот ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштиришга жуда қизиқшаркан. Боиси, бу фанга оид дастлабки маълумотлар махсус хариталар,

кўргазмали қуроллар ёрдамида етказилди.

Болажонларни она-Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялашда турли томоша ва спектаклларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, бир-

кўргазмали қуроллар ёрдамида етказилди. Болажонларни она-Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялашда турли томоша ва спектаклларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, бир-гина «Кийикча» спектаклини олайлик. Оху тимсолидаги қизалоқ табиат бағрида шодон рақс тушмоқда. Шу пайт қаердандир овчи пайдо бўлди. Болажонлар ҳаяжонда. Улар кийикнинг тезроқ қочишини, кетма-кет отилаётган камон ўқлари унга тегмаслигини истаяпти. «Кийикжон, қоч тезроқ!», «Овчи, бу ердан кет!» деган ҳайқириқлар янграйди ҳар томондан. Демак, болалар қалбига эзгулик тушунчаси аллақачон куртак отиб улгурган. Мўъжизакор ва синоатли табиатни бори-ча севиб қадрлайдиган фарзандлар камол топишда шундай ёндашув ижобий самара бериши шубҳасиз.

Ризовной НИЗОМОВА

Ona tili fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—4-sinf)

O'quv fanlari	Sinflar									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
	1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Davlat ixti. soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1 Ona tili	4				6	5	3	3	2	23	782
O'qish/adabiyot	4	4	5	5	3	2	2	2	3	30	1020
2 O'zbek tili/ rus tili	2	2	2	2	2	2	2	2	16	544	
3 Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4 Tarix					2	2	3	3	3	13	442
5 Davlat va huquq asoslari								1	1	2	68
6 Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
7 Matematika	5	4,5*	4,5*	4,5*	5	5	5	5	5	43,5	1479
8 Informatika								1	2	3	102
9 Fizika						2	2	2	2	8	272
10 Kimyo							2	2	2	6	204
11 Biologiya					1	2	2	2	2	9	306
12 Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13	442
13 Odobnoma	1	0,5*	0,5*	0,5*						2,5	85
Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
Mil. istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
14 Musiqa madaniyati	1	0,5*	0,5*	0,5*	1	1	1			5,5*	187
15 Tasviriy san'at	1	1	1	1	1	1	1			7	238
16 Chizmachilik								1	1	2	68
17 Mehnat ta'limi	1	0,5*	0,5*	0,5*	2	2	2	1	1	10,5	357
18 Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
Maktab ixtiyoridagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	2	5	170
Ixtisoslik fani											
1 Ona tili		5	6	6						17	
2 Husnixat		1	1	1						3	
Jami:		6	7	7						20	680
Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	35,5	36	259	8806
Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.) faoliyati Xalq ta'limi vazirligining amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Ona tili fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va ona tili fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, odobnoma fanidan 0,5 soat, musiqa fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soatdan olindi;

mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar ona tili faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013 o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

O'qish fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2-4-sinf)

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat.

O'qish fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va ona tili fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, odobnoma fanidan 0,5 soat, musiqa fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soatdan olindi;

mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar o'qish faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013 o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

O'quv fanlari	Sinflar									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
	1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Davlat ixti. soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1 Ona tili	4	4	5	5	6	5	3	3	2	37	1258
O'qish/adabiyot	4				3	2	2	2	3	16	544
2 O'zbek tili/ rus tili		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
3 Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4 Tarix					2	2	3	3	3	13	442
5 Davlat va huquq asoslari								1	1	2	68
6 Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
7 Matematika	5	4,5*	4,5*	4,5*	5	5	5	5	5	43,5	1479
8 Informatika								1	2	3	102
9 Fizika						2	2	2	2	8	272
10 Kimyo							2	2	2	6	204
11 Biologiya					1	2	2	2	2	9	306
12 Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13	442
13 Odobnoma	1	0,5*	0,5*	0,5*						2,5	85
Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
Mil. istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
14 Musiqa madaniyati	1	0,5*	0,5*	0,5*	1	1	1			5,5	187
15 Tasviriy san'at	1	1	1	1	1	1	1			7	238
16 Chizmachilik								1	1	2	68
17 Mehnat ta'limi	1	0,5*	0,5*	0,5*	2	2	2	1	1	10,5	357
18 Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
Maktab ixtiyoridagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	2	5	170
Ixtisoslik fani											
1 O'qish		5	6	6						17	
2 Sinfdan tashqari o'qish		1	1	1						3	
Jami:		6	7	7						20	680
Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	35,5	36	259	8806
Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Бахтимиздан
сўйлаётгандек**

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан билимдон болаларга совға сифатида илк бор ташкил этилган ёзги интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳига 460 нафар ўқувчи жалб қилинган эди. Президентимизнинг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, ёшларимизнинг иқтидорини ўстириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадидда жорий йилда ҳам билимлар беллашувининг республика босқичида иштирок этиб, юқори натижа кўрсатган 500 нафар ўқувчи ҳамда уларнинг 50 нафар ўқитувчиси учун Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон қасаба уюмлари федерацияси ҳамкорлигида «Қўёшли»да икки мавсумли интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилди.

Остона ҳатлаб, озода йулаклардан бораркансиз, икки томонда саф тортган дарахлар гўё «Хуш келибсиз!» деб истикболнингизга ошпаётгандек туюлади. Йўлак ёқасидаги баннерларга диққат қаратамиз: «2012 йил — Мустаҳкам оила йили», «Маънавий юксалиш йўлида», «Куч адолатдадир», «Ўзбекистон — умумий уйимиз!», «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!»... Булар бизга узок ўтмишимиз, порлоқ келажағу бугунги бахтимиздан сўйлаётгандек гўё!

Нихоят қаршимиздан Ватанимиз эркатойлари бўлган қувноқ болажонлар кўтаринки кайфиятада саф тортиб ўта бошлайди:

— Ассалому алайкум!

**Ҳаммаси
болаларимиз учун**

— Оромгоҳнинг биринчи мавсумида билимлар беллашув курик-танловининг филология йўналиши бўйича республика босқичида голиб бўлган 251 нафар иштирокчи, иккинчи мавсумда эса аниқ, табиий ва ижтимоий йўналишдаги фанлар бўйича 249 нафар билимдон ўғил-қиз 12та гуруҳга бўлинган ҳолда таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказди, — дейди Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фаррух Мирбобоев. — Голиб ва совриндорлар ёзги интеллектуал-ривожлан-

тириш оромгоҳида ҳордиқ чиқариш билан бирга, нетбук ҳамда телевизор мукофотларига ҳам эга бўлишди. Оромгоҳда ўқувчиларимиз учун барча шароит муҳайё. Спорт майдонлари, катта ва кичик сузиш ҳавзалари, бой ўқув ва бадиий адабиётлар базасига эга ахборот-ресурс маркази, компьютер жихозлари билан таъминланган информатика хонаси ўқувчилар ихтиёрида бўлди. Болажонларга интернет орқали оила аъзолари, дўстларига мактуб ёзиб, хабарлашиб туриш имконияти яратиб берилди.

Оромгоҳда катъий кун тартиби белгиланган бўлиб, бу ҳар бир ўқувчининг фойдали машғулот билан шугулланиши, мазмунли ҳордиқ олишига замин яратди. Шу орқали болажонларда вақтни қадрлаш, тўғри тақсимлаш ҳамда тартибли иш қилиш кўникмаси ҳам шакллантирилди. «Экология», «Моҳир қўллар», «Ёш



«ҚУЁШЛИ»НИНГ БИР КУНИ

**Машғулотда барча
бирдай фаол**

Очик осмон остида, баҳаво салқин гўшада иқтисодий билим асослари фанидан ўтказилаётган машғулоти кўзатдик. «Занжир машқи» методидан фойдаланиб ўтилаётган дарсда ўқувчилар 5 гуруҳга бўлиниб, топшириқларни бажармоқда...

Ўқув машғулотига якунига етгач, муаллимани суҳбатга тортидик. — Билимлар беллашувининг республика босқичида 98,7 балл тўлаб, голибликни қўлга киритган ўқувчим Азизжон Рихсибобоев билан бирга оромгоҳга келдик, — дейди пойтахтимиздаги Халқ таълими вазирлиги тасарруфидидаги аниқ фанларга иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси Малика Жўраева. — Бир неча йиллик педагогик тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, рағбат инсонни интилишга чорлайди, ўқувчиларни билим олишга қизиқтиради. Ҳордиқ чиқараётган болаларнинг кайфияти, руҳиятидаги кўтаринкилик, билим олиш завқи, янада юқори натижаларга эришиш иштиёқини кўриб, бунга яна бир қарра амин бўлдим. Уларнинг мақсадлари тобора юксалиб бормоқда. Машғулотларда болалардаги қизиқишнинг янада ривожлантиришга эътибор қаратаёلمиз. «Ўзбекистон бозор иқтисодиёти сари», «Талаб ва таклиф», «Солиқ турлари» каби мавзуларда дарс ўтдим. Бу ерда энг иқтидорли, сара, чуқур билимга эга ўқувчилар билан машғул олди бораямиз. Баъзан уларни қизиқтирган саволларга жавоб топишга шошиб ҳам қоламиз.

— Биз дам олишдан ташқари, турли вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр ва таъбири алмашмаямиз, — дейди билимлар беллашувига голиб бўлган 8-синф ўқувчиси Жамшид Расулловнинг устози, Фарғона ви-

лояти Данғара туманидаги 1-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати информатика фани ўқитувчиси Замира Жўраева. — Гулнора Тўраева, Раҳматулла Урозов каби ҳамкасбларим билан дарсга тайёргарлик жараёни, ўқувчини фикрлашга ундаш, болалар билан мулоқот сирлари борасида суҳбатлашиб, таклиф ва мулоҳазаларимизни ўртага ташладик.

Кимё фанидан 96,5 балл тўлаб, тенгдошлари орасида тенгсизлигини исботлаган Навоий шаҳридаги 11-иқтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Синдор Атоевнинг устози Гулнора Тўраева, айниқса, ўқувчисининг ота-онаси олдидан юзи ёруғлигидан хурсанд:

— Ўқувчиларимнинг оилавий шароитини ўрганишга, ота-онаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қиламан. Чунки мавзуларнинг бола хотирасида мустаҳкам сақланиб қолиши уй вазибаларини қай даражада қантаришига ҳам боғлиқ. Қолаверса, ўз олдига катъий мақсад қўйган боланинг илм эгаллашга иштиёқини ривожлантиришда ота-она муҳим ўрин тутди. Синдорнинг фанини ўзлаштириш даражаси ҳақида ота-онаси билан доим мулоқот қилиб бораман. Жорий йилги билимдонлар баҳсида фарзанди юқори натижа кўрсатиб, телевизор билан тақдирлангани уларни беҳад мамнун этди. Ўқувчимизнинг муваффақияти ва унга давлатимиз томонидан қаратилган юксак эътибор мактабдаги муҳитга ҳам ижобий таъсир этиши табиий. Мисол учун, тенгдошлари, ука-сингиллари унга ҳавас қилиб, ўқишга қизиқиши ортмоқда. Буни уларнинг «Мени ҳам билимлар беллашувига тайёрланг», дея билдирётган таклифларидан пайқайдим.

Ақсарият ўқитувчи ва ўқувчилар билан гаплашганимизда шунга амин бўлдики, оромгоҳда ҳордиқ олаётган болалар турли ўйинлардан қўра машғулотларга кўпроқ қизиқишади. Мутасаддилар фикрича,

таътил палласида ўқувчиларни чарчатиб қўймаклик учун оромгоҳдаги дарслар мактабдагидан фарқли ўлароқ ҳамкорликда ишлаш, ўз фикрини исботлай олиш, тўғри қарор қабул қилиш, қисқа, лўнда ва аниқ гапириш каби ҳаётий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.

**«Орзу қилгандим,
ўзим эришдим»**

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Қувончой Пулатова билимлар беллашувига география фанидан энг юқори балл тўлаб, 1-ўринга сазовор бўлди. Устига устак, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида адабиёт йўналиши бўйича муваффақиятли иштирок этди.

— Табиати севганим учун география фанига қизикаман, — дейди Қувончой. — Гўзал табиатдан олган илҳомим адабиётга ҳам ҳавасимни оширган. Атрофи баланд тоғлар билан ўралган оромгоҳ манзараси, мусаффо ҳавоси мени ўзига мафтун этди. Айниқса, профессор олимлар, биз ўрганаётган дарсликлар муаллифлари — Паёз Мусаев, Фотиҳамол Фуломов каби таниқли устозлар билан география фанининг илмий назарияси, истикболи ҳақида уюштирилган мароқли суҳбатлардан катта таасурот олдим. Бобом педагогика фанлари номзоди, доцент Рустам Қурбонниёзов ҳам 5-синф география дарслигининг муаллифи эди. Эришган ютуқларимда бобом, онам ва устозим Назокат Қурбонниёзованинг ҳиссаси катта. Келажақда уларнинг ортидан бориб, етуқ олим бўлиш — энг катта орзум. Танловда голиб бўлганим учун Халқ таълими вазирлиги даражали диплом ва нетбук совға қилганда устозим — онажонимнинг ўргатганлари кўз олдимга келди. Мен ишонаманки, 12 ёшимдаёқ уйга нетбук олиб боришим оила аъзоларимни қувонтиради. Ўтган йили тенгдошларимнинг билимлар беллашувига иштирок этиб, ана шундай совғалар билан тақдирланганини телевизор орқали кўриб, уларга ҳавас қилгандим. Бугун шундай бахтга ўзим эришдим. Бу эса келажақда фан олимпиадалари ва бошқа халқаро кўрик-танловларда ҳам иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш истагини уйотди.

(Давоми 16-бетда.)





(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мана, яна бир йирик спорт байрами арафасида турибмиз. 27 июлдан 12 августга қадар давом этувчи, тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақаси — XXX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритган спортчилар номи аллақачон аниқ бўлиб улгурган. Маълумотларга кўра, сайёрамизнинг 205 мамлакатидан 12500 нафардан зиёд спортчи Олимпиада медаллари учун курашга киришади.

Шукурки, мустақиллик шарофати билан 1996 йилдан буён юртдошларимиз ана шундай улкан спорт тадбирида мунтазам

Элшод РАСУЛОВ, боксчи (75 кг.)

Қўқон шаҳридаги 37-умумтаълим мактабида ўқиган. Тошкентдаги Республика олимпия заҳиралари коллежида тахсилни давом эттирган. Сўнгра Фарғона давлат университети жисмоний тарбия факультетида спорт сирларини пухта ўрганган. Бугунги кунда устози таниқли мураббий Наби Бойматов раҳбарлигида мусобақаларга тайёрланмоқда.

за медали соҳиби ва шу мусобақада Лондон олимпиадаси лицензиясини қўлга киритди.

Лондон (Буюк Британия) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этувчи Ўзбекистон спортчиларидан иборат делегация байроқдори.

«Меҳнат шухрати» ордени соҳиби.

— Ҳозир ёзининг қайноқ тафтидан қувват олиб, Лондон олимпиадасига қизгин тайёргарлик кўраяпмиз. Бугун бокс олимпиада галаба қозониш учун жуда кўп нарсаларни билиш талаб этилади. Устоз ва мураббийларим менга бу борада етарлича билим бераётти, деб ўйлайман. Ушбу саъй-ҳаракатлар олимпиада ўйинларида ўз маҳсулини беришига ишонаман.

Мени энг ҳаяжонга солаётган ҳолат жонажон юртимиз спорт делегациясига байроқдор этиб тайинланганимдир. Бу юксак масъулият ва олий шараф менга қўшимча куч ато этапти. Шу кунларда Англия пойтахтидан албатта зафар билан қайтиш ҳақида ўйлаяпман.

Ришод СОБИРОВ, дзюдочи (60 кг.)

Жондор туманидаги 16-умумтаълим мактабида ўқиган. Олот туманидаги 7-маҳсус мактаб-интернатда тахсилни давом эттирган. Илк устози Рустам Тўраев. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида профессионал спортчи бўлиб етишти.

Бугунги кундаги устози — А.Штурбабин.

2006 йилда ўсмирлар ўртасида кечган Осиё чемпионати голиби.

2007 йили Қувайтда ёшлар ўртасида ўтган Осиё биринчилиги кумуш медали соҳиби.

2008 йилда ўтказилган Пекин олимпиадаси бронза медали соҳиби.

2010 йили Андижон шаҳрида ўтган Универсиада ўйинлари голиби.

2010 йилда Токиода бўлиб ўтган жаҳон чемпионати голиби.

2011 йили Парижда кечган жаҳон чемпионати голиби.

Мохир дзюдочимиз бир қатор халқаро мусобақаларда 60 кг. вазн тоифасида иштирок этиб, Лондон олимпиадаси йўлланмаси учун талаб этилган рейтинг очколарини тўплаган. Ўз вазни тоифасида жаҳон дзюдочилари рўйхатини бошқармоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи.



— Ўтган йили Францияда дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида зафар қучиб, юртимиз мадҳияси жаранлаганда кўзимга ёш келди. Ушанда нима учундир иккинчи бор жаҳон чемпиони бўлганимдан эмас, балки Ўзбекистонимиз шарафини тўрт йилликнинг энг улкан спорт тадбирида ҳимоя қилиш бахтига мурасиб бўлганимдан шодландим. Лондонда ҳам ўз ютуғимни шохсупада шу зайдда нишонлашни орзу қилаёяман.

равишда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб келмоқда. Ортада қолган йиллар давомида кўплаб Олимпиада чемпионлари кашф этилди. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Таймазов, Вадим Менков, Светлана Радзивил, Гўзал Хуббиева сингари спортнинг кўплаб турларида голибликни қўлга киритаётган ҳамюртларимизни бугун дунёнинг энг машҳур спортчилари ҳам энг кучли рақиби сифатида тан олади.

Жорий йилги ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этиш ва диёримизга медаллар жамғармасини олиб келиш учун спортнинг бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трampoline, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда

Екатерина ХИЛЬКО, трampoline (батутда сакраш)

Чилонзор туманидаги 183-умумий ўрта таълим мактабида ўқиган. Олимпия заҳиралари коллежида тахсил олган. Илк мураббийи онаси — Ольга Нилова.

Бугунги кундаги устози — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Роза Якубова.

2008 йили Пекин олимпиадаси бронза медали соҳиби.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.

— 2008 йилги олимпиадада бутун мусобақа давомида «Ўзбекистонга медал билан қайт!» деган сўзлар қулоғим остида жаранглаб турди. Айниқса, батутда сакраш бўйича учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали қабул қилиб олаётганимда кўзларимда беихтиёр қувонқ ёшлари қалқиди. Шундай лаҳзаларда ортингда суянч бўлиб ватандошларинг қўллаб турганини, ютуқларингдан сен каби қувоничаётганини ҳис этиш жуда мароқли. Бу йил ўз фаолиятимдаги тўртинчи олимпиада ўйинларида иштирок этаман. Ўйлайманки, мазкур уринишим ҳаммасидан кўра муваффақиятли бўлади.

Ульяна ТРОФИМОВА, бадий гимнастикачи

Навоий шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабида ўқиган. Асосий машғулотлари Талия Абдурахмонова билан олиб боради.

Айни пайтдаги мураббийи эса — Валентина Шевченко.

2007 йили Хорватияда кечган халқаро турнирнинг бронза медали соҳиби.

2010 йили Осиё ўйинларида бир жуфт кумуш медали соҳиби.

2011 йилда Самара шаҳрида ўтган Россия очик биринчилигида олтин ва бронза медали соҳиби.

2011 йили Исроилнинг Холон шаҳрида ўтган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда бронза медали соҳиби.

2011 йили Украина пойтахти Киев шаҳрида кечган Жаҳон кубоги босқичида бронза медали соҳиби.

2011 йили Франциянинг Монпелье шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, 108,375 балл тўплади ва Лондон олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

2012 йили Словениянинг Любляна шаҳрида ўтган «MTM Cup-2012» халқаро турнирида бронза медали соҳиби.

2012 йили Россиянинг Пенза шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон кубоги мусобақаларининг учинчи босқичида бронза медали соҳиби.

Шунингдек, у Греция, Қозғистон ва юртимизда бадий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнир ва Осиё чемпионатларида совриндор бўлган.



Ўзбекистонлик бадий гимнастикачилар орасида биринчи бўлиб олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритган спортчи.

— Бадий гимнастикани танлашимга оиладаги муҳит сабаб бўлган. Онам биринчи марта гимнастика залига эргаштириб борганда, завқ билан лента ўйнатаётган қизларни кўриб, бу жуда осон бўлса керак, тезда ўзлаштириб оламан, деб ўйлагандим. Лекин бирдан уни тўла ўзлаштириш мумкин эмаслигига тинимсиз машғулотлар орқали амин бўлдим. Гимнастикачи, аввало, руҳан хотиржам ва тетик бўлиши лозим экан.

ешкак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, қиличбозлик ва теннис турларидан 60 нафарга яқин спортчимиз йўлланмани нақд қилиб қўйди. Улар орасида машҳур спортчиларимиздан тортиб, янги номларни ҳам учратиш мумкин. Ажаб эмаски, улар бутун жаҳон нигоҳи қаратиладиган Лондон олимпиадасида порласа, Ватан шаънини юксак марраларга кўтарса! Уларнинг ҳар бир ютуғи ҳар бир юртдошимиз қалбини фахр ва ифтихорга тўлдиради, қолаверса, бугун уч босқичли спорт ўйинлари тизимида иштирок этиб, илк голиблик нашидасини сурган, спортни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган ёш авлодга сабоқ бўлади. Улар ҳам яқин кунларда ака-опаларига

**Дилшод МАНСУРОВ, эркин курашчи (60 кг.)**

Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент туманидаги 35-умумтаълим мактабида ўқиган. Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги олимпия заҳиралари коллежида тахсил олган. 2002—2007 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида тахсил олди. Ҳозирги кунда тажрибали мураббий Адҳам Очилов унга устозлик қилмоқда.

2006 йили Дохада кечган Осиё ўйинлари голиби.

2009 йили Данияда бўлган жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби.

2010 йили Гуанжоуда ўтган Осиё ўйинлари голиби.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.

«Шухрат» медали соҳиби.

— Давлатимиз раҳбарининг спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга юксак эътибори туфайли бир қатор халқаро мусобақаларда фахрли ўринлар соҳиби бўлаяпман. Уларнинг орасида энг қимматлиси, шубҳасиз, бугун қўллаб-қувватловчи спортчиларимиз қатори менга ҳам ёзги олимпиада йўлланмаси nasib этгани, деб ҳисоблайман.

Илк уринишларим омадсиз чиққанда бошимни силаб, спортчи сабр-тоқатли, қучли ирода бўлиши лозимлигини ўқитган мураббийларимдан миннатдорман. Лондон майдонларида уларнинг ишончини оқлаб, ёруғ юз билан жонажон Ўзбекистонимизга қайтишни дилимга тугиб қўйганман. Албатта, мақсадларимизнинг бекаму кўст рўёбга чиқиши учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган.

Раъно АМОНОВА, сузувчи

Андижон вилоятида туғилган. Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги спорт мактабида тахсил олган. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиси. Устози Рустам Амилов. Сузишга онаси Фарида Амонова 7 ёшида олиб келган.

Сузиш бўйича бир неча қарра Ўзбекистон чемпиони.

2007 йили Россияда ўтказилган халқаро турнирда 2 та олтин ва 1 та кумуш медали жамгарган.

Осиё ўйинлари бронза медали соҳиби.

Римда ўтказилган жаҳон чемпионати иштирокчиси.

2009 йили Японияда ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир кумуш медал соҳиби.

2010 йили Қозғистон очик чемпионатида 2 та олтин ва 2 та кумуш медал билан тақдирланди.

2012 йили Беларуссиянинг Брест шаҳрида ўтган халқаро турнирда 200 метрга комплекс усулда сузиш бўйича 214,65 сония кўрсаткичини қайд этган ҳолда Лондон олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

Халқаро тоифадаги спортчи.

— Онамнинг айтишича, болалигимда тез-тез касалликча чалинар ва оила аъзоларимни ташвишга соларканман. Шунда шифокор ва мутахассислар мени сузишга беришни тавсия қилишган экан. Чиндан ҳам сузиш инсоннинг саломатлигини мустаҳкамловчи, турли хасталикларга қарши иммунитетни оширувчи хусу



сиятга эга. Мустақил юртимизда спортни, хусусан, қизлар спортини ривожлантиришга берилган бундай улкан эътибордан фахрга тўламан. Турли мусобақаларда иштирок этиб, юртим мадҳиясини тинглаганимда, «Ўзбекистон» деган жарангдор номни эшитганимда юрагимда гўё сўнмас куч, шижоат пайдо бўлади. Ўйлайманки, Лондон Олимпиадаси ҳам мен учун унутилмас лаҳзаларга бой бўлади.

ҳавас қилиб ана шундай халқаро аренаalarda шохсупага кўтарилиш, юртимиз байроғини энг юксакларда хилпиратиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

«Ma'rifat» саҳифалари орқали Олимпиада йўлланмасини қўлга киритган спортчиларимизнинг бу муваффақиятга қадар босиб ўтган йўллари ҳақидаги маълумотларни бериб боришни ният қилдик. Бундан мақсад — биргина спортда эришилган бундай улкан муваффақиятлар орқали мустақилликнинг нақадар улуғ нёъмат эканлигини, ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаган инсонгина унинг шаънини юксакларга кўтариши мумкинлигини ёш авлод қалбига сингдиришдан иборат.

Денис ИСТОМИН, теннисчи

1986 йилда туғилган. Биринчи устози — онаси. 2007 йили Тошкентда ўтказилган Универсиада спорт ўйинлари голиби.

2011 йилда ATP рейтингига 40-ўринга қадар кўтарилди.

Шу йили Сан-Хоседа ўтган халқаро турнирда чорак финалга қадар етиб келди.

2011 йили Самарқанд ва Қаршида кечган «Challenger» турнирлари голиби.

2011 йили Истанбул ва Тошкентда ўтган «Challenger» турнирлари голиби.

Яқинда ниҳоясига етган «Уимблдон» улкан тож турнирида Марказий Осиё теннисчилари орасида биринчи бўлиб 4-босқич — нимчорак финалгача етиб борди.

Айни дамда ATP рейтингига 34-ўринни эгаллаб турибди. — Юртимизда, айниқса, ёш ва навиқирон спортчиларнинг қамолга етиши, ўз танлаган спорт турлари бўйича юксак марраларни забт этиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда. Қўллаб-қувватловчи спорт турлари қаторида теннисни ривожлантириш, аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мени жуда қувонтиради. Мен 2007 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Универсиада ўйинларида қатнашиб, голибликни қўлга киритганимдаги қувончимни, ҳаяжонимни ҳамон узгача энгилкиш билан эслайман. Президентимиз ва халқимизнинг бундай ишончи ва рағбатидан илҳомланиб, ўтган йиллар давомида кўплаб халқаро турнирлар, чемпионатларда қатнашдим. Шу йили Лондонда ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олганимдан мамнунман. Унда гарчи дунёнинг энг қучли ракеткачилари қатнашаётганига қарамай, ўз салоҳиятимни намойён этиб, совриндорлар қаторидан ўрин олишга бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.



2005 йили илк бор Бухорода ўтказилган «Challenger» мусобақасида иштирок этган.

2006 йили Австралия очик чемпионатида қатнашди.

2008 йилда Бухоро ва Қаршида кечган «Challenger» туркумидаги турнирлар голиби.

2008 — 2012 йилга қадар Австралия очик чемпионати қатнашчиси.

2009 йили Америка очик чемпионати иштирокчиси.

2010 йили «Aircel Chennai Open»-да илк бор қатнашди.

Шу йили «Pilot Pen Tennis»-да илк марта ATP таснифдаги турнир финалига йўлланма олди.

2010 йилги Осиё ўйинларида финалгача етиб борди.

Акмал ЭРГАШЕВ, таэквондочи (+ 80 кг.)

Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилган. 9 ёшидан бошлаб Қўқондаги 7-умумтаълим мактабида очилган тўғараққа қатнаш бошлаган. Биринчи устози Анвар Раҳматуллаев. Ҳозир Рашид Аҳмедов ҳамда корейлик мутахассис Бек Мун Жо унга мураббийлик қилмоқда.

1994 йилда Қўқон биринчилигида кумуш медалини қўлга киритган. Кейинчалик бирин-кетин шаҳар, вилоят ва Республика миқёсидаги мусобақаларда 1-ўринга кўтарилган.

2005 йилдан буён таэквондонинг WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафига халқаро мусобақаларда фаол иштирок этмоқда.

2008 йили Пекин олимпиадаси иштирокчиси.

2008 йили Осиё чемпионати бронза медали соҳиби.

2010 йили Осиё ўйинлари бронза медали соҳиби.

2008 ва 2010 йили Германияда ўтказилган «Gamburg open»-да бронза медаллари билан тақдирланган.

Жанубий Кореяда ўтказилган очик чемпионатларда икки қарра олтин медал соҳиби.

2011 йили Ж.Кореянинг Кенжу шаҳрида ўтган жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби.

2011 йили Таиланда Осиё олимпия саралаш турнирида муваффақиятли иштирок этиб, «Лондон-2012»-га йўлланма олди.



— Серкўёш юртимизда ёшларга барча соҳаларда ўз иқтидорини тўла намойиш этиш учун кенг имкониятлар яратилган. Халқимиз ва Юртошимизнинг бизга билдираётган юксак ишончига жавобан нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни мақсад қилганмиз. Олимпия ўйинларида иштирок этиш ва она юртимиз шаънини улуғлаш катта бахт.

Matematika fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—4-sinf)

O'quv fanlari	Sinflar									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
	1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Davlat ixti. soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1 Ona tili	4	4	5	5	6	5	3	3	2	37	1258
O'qish/adabiyot	4	4	4,5*	4,5*	3	2	2	2	3	29	986
2 O'zbek til/ rus tili		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
3 Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4 Tarix					2	2	3	3	3	13	442
5 Davlat va huquq asoslari								1	1	2	68
6 Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
7 Matematika	5				5	5	5	5	5	30	1020
8 Informatika								1	2	3	102
9 Fizika						2	2	2	2	8	272
10 Kimyo							2	2	2	6	204
11 Biologiya					1	2	2	2	2	9	306
12 Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13	442
13 Odobnoma	1	0,5*	0,5*	0,5*						2,5	85
Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari							1	1	1	3	102
14 Musiqa madaniyati	1	1	0,5*	0,5*	1	1	1			6	204
15 Tasviriy san'at	1	1	1	1	1	1	1			7	238
16 Chizmachilik								1	1	2	68
17 Mehnat ta'limi	1	0,5*	0,5*	0,5*	2	2	2	1	1	10,5	357
18 Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
Maktab ixtiyoridagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	2	5	170
Ixtisoslik fani											
Matematika		6	7	7						20	680
Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259	8806
Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risidagi» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidallari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Matematika fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va ona tili fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

2-sinflar uchun odobnoma fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soatdan olindi;

3-, 4-sinflar uchun o'qish fanidan 0,5 soat, odobnoma fanidan 0,5 soat, musiqa fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soatdan olindi.

Mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar o'qish faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

Ona tili fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (5—9-sinf)

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risidagi»gi q'onuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test Markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqur o'rganiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidallari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Ona tili fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va ona tili fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat ixtiyoridagi soatlardan:

5-, 6-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, musiqa fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinflar uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8- sinflar uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9- sinflar uchun mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat ixtiyoridan olingan soatlar ona tili faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

O'quv fanlari	Sinflar									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
	1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Davlat ixti. soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1 Ona tili	4	4	5	5						18	612
Adabiyot /o'qish	4	4	5	5	3	2	2	2	3	30	1020
2 O'zbek til/ rus tili		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
3 Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4 Tarix						2	2	3	3	13	442
5 Davlat va huquq asoslari								1	1	2	68
6 Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
7 Matematika	5	5	5	5	4,5*	4,5*	4,5*	5	5	43,5	1479
8 Informatika								1	2	3	102
9 Fizika						2	2	2	2	8	272
10 Kimyo							2	2	2	6	204
11 Biologiya					1	2	2	1,5*	2	8,5	289
12 Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	2	1,5*	1,5*	2	12	408
13 Odobnoma	1	1	1	1						4	136
Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
Mill. istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
14 Musiqa madaniyati	1	1	1	1	0,5*	0,5*	1			6	204
15 Tasviriy san'at	1	1	1	1	1	1	1			7	238
16 Chizmachilik								0,5*	0,5*	1	34
17 Mehnat ta'limi	1	1	1	1	1*	1*	1*	0,5*	0,5*	8	272
18 Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
Maktab ixtiyoridagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	1*	4	136
Ixtisoslik fani											
1 Ona tili					7	6	4	4	3	24	
2 Nutq madaniyati					1	1	1	1	1	5	
Jami:					8	7	5	5	4	29	986
Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259	8806
Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

2012-yil — Mustahkam oila yili

Ўз жисмидан икки-уч баробар катта ва оғир юкни кўтарганча одимлаётган чумолини ҳеч қўзатганмисиз? У тенгсиз азоблар билан хас-чўплар оралаб ўз уяси томон илгариларди. Шундай пайтда чумолининг оғзидан ўлжасини олмоқчи бўлиб кўринг-чи? Миттигина жонзот ўз насибасини осонликча бериб қўймайди, оёкларини ердан узилса-да, унга ёпишганча турaveraди. Нима учун? У бунга шунчалик муҳтожми? Йўқ, албатта. Аммо онги йўқ мана шу ҳашаротда ҳам яшаш учун курашиш инстинкти мавжуд. Бу ҳол, ҳаттоки, ўсимлигу дарахтларда ҳам учрайди.

Богимиздаги икки олма дарахти орасидан бир терак униб чикди. У дарахтлар соясида жудаям нимжон, қуёш тафтидан бебаҳра бўлиб ўсарди. Икки-уч йил ўтиб, шаҳардан қишлоққа борганимда, боғни айлана туриб, яна ўша теракка кўзим тушди. Таажжуб! Ўша нимжон ниҳол бир-бирига чирмашиб кетган олма шохларининг орасидан ўтиб, кўкка бўй чўзибди. Буни қаранг-а, ҳаётга иштиёқ қанчалик кучли. Энди ўйлаб кўринг, ўсимлигу жонзотларки яшаш учун шунчалик курашаркан, одамлар-чи? Аслида, бундай ҳислар одамзодда онгли равишда кечгани боис бир неча баробар юксакроқ бўлмоғи керак эмасми? Аммо нега кўкси тоғдек айрим ёшлар ҳаёт йўлида учраган кичиккина тўсиқни-да забт этолмай орта-ча чекинади? Не-не машаққатлар билан тикланган оила кўргони нима учун арзимаган сабаблар билан осонликча дарз кетади? Нега ҳатто муҳаббат ила боғланган икки қалбнинг муқаддас риштаси ожизликдан узилади?

ЧАМБАРЧАС
ИККИ ОМИЛ

Фарида Эгамбердиева, педагогика фанлари номзоди:

— Ўзбекистон мустақилликка эришган, бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат қуришни асосий мақсад қилиб танлади. Барча фуқаролар эркин ва тенг ҳуқуқлидирлар. Бугун эски тузумдаги каби «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутмоқ ва яшамок ярамайди. Бозор иқтисодиёти даврида ҳар ким ўзи учун ўзи жон қойитишга, ҳуллас, «ўз арава-сини ўзи тортишга» мажбур.

Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий тизимида кенг ислохотлар олиб борилди. Натижада аҳоли турмуш даражасининг ўсганлигини барчамиз кўриб ва билиб турибмиз. Бу ютуқларга осонликча эришилаётгани йўқ, албатта. Булар минг-минглаб кишиларнинг уйқую ҳаловатдан кечиб, тинимсиз меҳнат қилаётгани самарасидир. Аммо шундай кимсалар учраб турибдики, уларнинг хатти-ҳаракатини кўриб, юритаётган фикр-мулоҳазасини эшитиб, кайфиятнинг бузилади. Баъзан кўча-кўйда, таниш-билишлар даврасида ёш оиласининг парокандалиги, иқтисодий таназзули сабабини «яшаш қийин бўлиб кетди» дея изоҳлаётган кишиларга дуч келамиз. Шунда уларга қараб, ҳам ачинасан, ҳам аччиқланасан.

Баъзи оилаларнинг катта даб-дабозлик билан тўй қилиб, сўнгра иқтисодий танг аҳволга тушиб қолаётгани, оқибатда эса, янги кўчириб ўтқазилган ниҳол мисол ёш оиланинг моддий, маънавий-руҳий инкирозга юз тутаётганига ғувоҳ бўламиз. Баъзан оиладаги моддий етишмовчилик эр-хотинда ишбилармонлик маҳорати, интеллектуал иқтисодий салоҳият, ижтимоий-сиёсий онг ва дунёқа-

раш етарли даражада шаклланишидан, никоҳдек муқаддас риш-тага масъулиятсизлик билан қарашдан, фарзандлар олдидаги бурчга садоқатсизликдан келиб чиқади. Нима бўлганда ҳам, фикрлаш қобилиятига эга инсон ўз тақдирини ўзи белгилай олиши, ўзи учун қулай яшаш шароитини ярата олиши бор гап. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, аввалам-

ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди», дея айтиш ҳақ гапни айтди. Баъзан турмушимизда учрайдиган кичик-кичик муаммолар эр-хотин ўртасида жиддий тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Бу эса ёш оилаларнинг бузилиб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шундай пайтда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, турмушининг майда чигалликларига босиқлик ва кенг мулоҳаза билан ёндашмайдиган ёшларга тўғри маслаҳат бериш керак. Бугун худди шу вазифани ҳар бир маҳаллада обрўли, ҳаётий тажрибаси бой, диний ва дунёвий билимларга эга кишилардан тўзилган яраштирув комиссияси бажармоқда.

Ажрашмоқчи бўлган оила даст-лаб ўзи яшаётган маҳалла кўмиталарига мурожаат этади. Сўнгра эр-хотинга уч ойлик муддат берилади.

ЁШ ОИЛА
ТАЯНЧИ

бор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ».

Нодир Бекназаров, сартарош:

— Менинг ҳунарим сартарошлик. Кишиларнинг кўркига кўрк қўшиб, кайфиятини кўтариш менга ҳузур бағишлайди. Шу ҳунарсиз орқали рўзгор тебратаман, фарзандларимни едириб, кийинтираман. Деярли ҳар кун эрталабдан кечгача шу мўъжазгина устахонада меҳнат қиламан. Бу ерга ҳар хил мижозлар келади. Мен уларнинг кўнглини топишим, тўлаган хизмат ҳақига астойдил рози бўлишига эришишим зарур.

Ҳаётда шундай кунлар бўладики, баъзан турли сабабларга кўра кайфиятнинг бузилади. Ўша вақтда кайфиятнинг йўқлигини мижозларга сездирмай, кўтаринкилик билан ишлашга тўғри келади. Ана шундай пайтларда ҳунаримнинг ўзига яраша қийинчиликлари борлигини ҳис қиламан.

Мухими, менда меҳнат қилишга кучли хоҳиш ва интилиш бор. Кўлимдан келганча ҳалол меҳнат қилиб, оилам фаровонлигига ҳисса қўшяпман. Ҳар ким ўз уйи атрофини озода тутса, бутун маҳалла саранжом-саришта бўлади, кейин бутун юрт обод масканга айланади, деган гап бежиз эмас, албатта.

СОҒЛОМ МУҲИТ
АСОСИ

Тўтинисо Масаидова, Ҳамза тумани бош имом-хатибининг хотин-қизлар бўйича бош маслаҳатчиси:

— Мамлакатимиз Президенти «Ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли

Бу орада яраштирув комиссияси ўша оила билан махсус шуғулланади. Агар шунда ҳам эр-хотин фикр-идан қайтмаса, ариза ФХДБ бўлими ёки судга оширилади. Бугунги кунда кўпалаб низолар ярашув билан ҳал қилинмоқда.

Яқинда туманимиздаги Баҳор маҳалласида яшовчи ёш оиладан ариза тушди. Ажралиш тарафдори — келин. Эри топармон-тутармон, гулдек фарзандлари бор. Холатини ўрганиб билдикки, яқинда қайин опа ўз оиласидан ажрашиб, қайтиб келган. Икки орада низо майда муаммолардан келиб чиққан. Турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган келин ажралишга қарор қилган. Биз ёш келинга оиланинг муқаддаслиги, отасиз ё онасиз ўсишнинг фарзанд руҳиятига салбий таъсирини тушунтирдик. Қайин опа билан ҳам суҳбатлашиб, маслаҳатлар бердик. Ариза қайтариб олинди ва оила ҳозир аввалгидек тотув ҳаёт кечираяпти. Демак, ўзаро бир-бирини тушуниш — маънавий-руҳий соғлом муҳитнинг асоси, ҳамдаму ҳамжиҳат эр ва хотин эса оила айвонини ушлаб тургучи мустаҳкам устунлардир.

ХУЛОСА

Оила — катта жамиятнинг кичик бир бўлаги. Жамиятнинг обод ва фаровон бўлиши, аввало, ушбу кичик жамиятнинг тинч ва тотувлигига боғлиқ. Зотан, ахил оилада соғлом муҳит қарор топади. Соғлом муҳитдагина одоб-ахлоқли, меҳнатсевар, ўз халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва аъноаларига ҳурмат билан қарайдиган ёшлар камолга етади. Жисмонан соғлом, маънавий етук, масъулиятни тўлиқ ҳис қиладиган, турмуш мураккабликларига тайёр, курашларда руҳию қадди букилмас ёшлар эса мустаҳкам оила кўргонини бунёд этишга қодирдир.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

«ҚИЗИМ УЙДА
УНДАЙ ЭМАС!»

Айрим оналар қизларининг уйдан чиқиб кетгунга қадар бўлган ҳолатинигина кўрадилар. Эшикнинг орқасига ўтиб, юбасини юқорига тортадиган қизлар талайгина эди. Энди-чи, ота-онаси қийишга рухсат бермайдиган қийимларини дугонасиникига қўйиб, у ердан буткул бошқа қизга айланиб чиқиш ҳолатлари ҳам кузатиляпти. Улар ота-онасидан яширинча қийинар экан, демак қийимлар ҳам яширинча харид қилинади. Уринли савол туғилади: пул масаласи-чи? Қизларнинг ноҳўя иш қилишига шу сабаб бўлаётгандир? Уйдан пул ўғирлаш, «Йигитим олиб берди», деб дугоналарига мақтаниш, ота-онасига «Ўқишда фалон нарсага пул йиғамиз» каби ёлгонларни тўқши қимматбаҳо қийим хариди учун бўлса-чи? Бу ҳолатларнинг ҳеч бири яхшиликка олиб бормади. Баъзи оналар қизлари ҳақидаги ҳақиқатларга ишонмай, «Уйда бундай эмас-ку», дея ҳайратланишади.

Ўқувчиларнинг китоб ўқиш, касб-ҳунар эгаллаш ва дарсларга ишти-

Tarbiya — saodat

ёқининг сўнишида либослар қатори уяли алоқа воситасининг «хизмат»и катта бўляпти. Яхшигина ўқиб юрган қиз телефон соҳибаси бўлади ва бутун ҳаёлини ўша матоҳ ўғирлайди. Бир қарасанг дўстларидан қўшиқ, клипни кўчириб олади, сўнг интернет сайтига телефон орқали киришни ўрганади. Бу унчалик қийинмас, қолаверса, қиммат ҳам эмас. Натижада, у янги ва номаълум дўстлар, енгил-елпи ҳаётий қарашлар, олди-қочди гаплар уммонига гарқ бўлади.

— Мен уч йилдан буён коллежда дарс бераман. Шу вақт мобайнида ўқувчи кўлидаги телефонга қарши курашмаган бирор куним бўлмади, — дейди касб-ҳунарсиз коллежи ўқитувчиси Зилола Дўстмухамедова. — Вақти-вақти билан гуруҳ раҳбарлари ўқувчиларнинг телефонларини йиғиб олиб, назорат қилади. Мен ўқувчилар ўртасида шундай назорат ўтказиб, хангу манг бўлиб қолдим. Ишонасизми, беҳаё видеолавҳалар нафақат йигитларда, балки, аксарият қизларнинг қўл телефонларида ҳам мавжуд экан. Бир ўқувчини ҳаёсиз видеолавҳаларни томоша қилаётганида ушлаб олдим. Уйига кўп маротаба кўнгироқ қилиб ота-онасини чақирдим. Мақтабга келган отасининг қўлига ўғлининг телефонини тутқаздим. У видео ва фотоларни кўрди-ю, кўз олдимда боласини қийиш кетди...

Савол туғилиши табиий: ўқувчининг ҳаёлини қалғитаётган нарса фақатгина телефон, интернет сайтларию қийим-кечакларми, дарсларга, китоб ўқишга, ўзи танлаган йўналиш бўйича билимларни ўзлаштиришга бўлган иштиёқ шулар оқибатидагина сўнпайми? Ўз дарсига қизиқтира олмаётган баъзи ўқитувчилар ёхуд фарзандининг бўш вақти қандай ўтаётганидан беҳабар ота-оналар ҳам ўқувчиларнинг тарбияси бузилишига «қўмакчи» бўлмоқда.

Таълим ва тарбия бир-бири билан шу қадар боғлиқки, бир томон оқсаган онда бошқа тарафига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ота-оналар ва педагоглар ҳар икки жаҳзани уйғун олиб боришга алоҳида эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Зилола МАДАТОВА

Бугун ҳаётимизни мобил телефонларисиз тасаввур қилиш қийин. У деярли ҳар бир инсоннинг беминнат хизматчисига айланиб улгурган. Уяли телефоннинг фойдали ва қулай томонлари кўп. У орқали кундалик фаолиятимизда зарур бўлган юмушларни тез орада битиришимиз, хорижда ишлаётган ёки таҳсил олаётган қариндошимиз, дўстимизнинг аҳолидан, шунингдек, қишлоқ ёки шаҳардаги янгиликлардан бир зумда хабардор бўлишимиз мумкин. Аммо ҳамма яхши нарсанинг бир ёмон тарафи бўлгани каби, уяли телефонларнинг ҳам зарарли томонлари борлигини унутмаслигимиз лозим.

симининг кўтарилиши, уйқусизлик, юрак фаолиятининг бузилиши, организмнинг муддатидан олдин қариши ва бошқа кўнгилсизликлар киради. Уяли алоқа ишлаб чиқарувчилар эса: "Биз тананинг ҳар килограммига 4 ваттдан таъсир қилувчи кучсиз қувватдан фойдаланамиз. Бундай таъсирнинг эса зарарсизлиги исботланган", дея изоҳлашмоқда.

Мобил телефонлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди ва

ди. Қимматбаҳо телефонни кўз-кўз қилиш — ўзгаларнинг эътиборини жалб қилишдан бошқа нарса эмас.

Аксарият ота-оналар телефон олиб бераётиб фарзандига шарт қўяди ёки шу йўл билан босим ўтказишга, "қимматбаҳо матоҳ" эвазига унинг тарбиясини гуёки яхши томонга ўзгартиришга ҳаракат қиларди. Бу нотўғри.

Мобил телефон — оила бюджетини учун ортиқча сарф-харажатни келтириб чиқаради.

қилиб, кўчада юрмаслик зарурлигини, бу эса ноҳуш оқибатларга олиб келишини;

— таниш-нотаниш одамлар олдида телефонни мактамаслик лозимлигини;

— кўчада кетаётиб телефонда гаплашмаслик даркорлигини;

— мактабда, масалан, жисмоний тарбия дарсида телефонни ўқитувчига топшириш зарурлигини;

— уяли телефон орқали "хаёсиз" лавҳаларни кўчириш

УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАН ЭҲТИЁТКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИНГ!



Уяли телефонлар дунёни ўзгартириб юборгани исбот қилинмайдиган ҳақиқат. Улар ёрдамида нафақат ўзаро мулоқот, балки симсиз алоқа тушунчаси ҳам бошқача аҳамият касб эта бошлади. Бу мўъжазгина аппарат узоқни яқин қилиб, бир қанча ишларимизнинг битишига кўмаклашади. Шунинг ўзидан уяли телефонлар инсоният ҳаётини нақадар ўзгартириб юборганининг исботи эмасми?!

Илк уяли телефон 1983 йили, яъни, 29 йил муқаддам "Motorola" компанияси томонидан "Motorola Dyna TAC8000X" русумида сотувга чиқарила бошланган. Сайёрамиз бўйича бугунги кунда 3,3 миллиарддан ортиқ фойдаланилаётган уяли телефон мавжуд. Телефоннинг вояга етмаганлар орасида эндиgina урф бўлаётгани эътиборга оладиган бўлсак, ер юзида истиқомат қилувчи ҳар юз нафар катта ёшдаги одамга 158та мобил телефон тўғри келади, дейилади «ФизОрг» манбасида.

Мобил телефонларнинг соғлиқ учун зарарли экани анчадан буён кўпчилик мутахассисларини жиддий ташвишга солиб келмоқда. Уларнинг фикрича, уяли телефонлар айрим ҳолларда ҳаттоки, саратон касаллигини ҳам келтириб чиқариши мумкин экан. Аммо

Фарб мутахассислари мобил телефонларнинг инсон организмга зарари бевосита исботланмагани, ҳамма гап телефондан фойдаланишда меъёрга амал қилмаслик оқибатида келиб чиқишини таъкидлашмоқда.

Кўпгина мутахассислар эса мобил телефоннинг электромагнит таъсирини кўпроқ урғу бериб, инсоннинг марказий асаб тизимига салбий таъсирини ўрганишмоқда. Одамларнинг асаб импульслари кучсиз тоқлардан ташкил топган. Ишлаётган уяли телефонлар ток ва электромагнит майдонини ҳаракатга келтиради, аниқроқ айтиладиган бўлсак, «пармалайди». Бундан ташқари, асаб тизими фаолиятига ёлгон сигналлар ҳам халал беради. Уларнинг интенсивлиги шу даражадаки, 100 метр масофадан сўнг сигнал 10 марта кучсизланади. Мобил телефонларнинг ўз алоқа таянчи тўлиқ алоқага киришиши учун сигнал керакли қувватга эга бўлади ва у инсоннинг барча органлари, шу жумладан, бош қисмига ҳам бир хил тарзда таъсир қилади. Электромагнит майдоннинг инсон соғлиғига таъсири анчадан буён ўрганиб келинмоқда ва бунинг натижасидан кўпчилик хабардор. Булар жумласига чарчок, хотиранинг ёмонлашуви, қон бо-

энди ундан воз кечишнинг иложи йўқ. Аниқсиз ёшлар орасида у кенг тарқалмоқда.

Қўл телефони болага керакми, деган саволимизга аксарият ота-оналар кескин равишда "йўқ" деб жавоб қайтарган бўлсалар, фарзандларимиз замон билан ҳамнафас яшашлари керак, дейдиганлар ҳам топилади. Ота-она дилбанлиги истаган вақтида уни назорат қилиш учун телефон олиб беради. Фарзанднинг қаерда, ким ва нима билан бандлигини билиш ота-онига хотиржамлик бағишлайди. Мобил телефоннинг ҳам фойдали хусусиятлари бор, албатта. Дейлик, боланинг хотираси ёмон ёки у режали иш қилишга қўнжикмаган. Бу ҳолда мобил аппарат унга зарур ишлар ҳақида керакли вақтда эслатиши мумкин. Телефоннинг бола учун энг фойдали томони — хавфнинг олдини олиш мумкинлиги. Ота-она ҳар эҳтимолга қарши фавқулодда ҳолатларда фойдаланиладиган рақамларни қандай теришни ўз фарзандига ўргатиши керак.

Мобил восита бир томондан бола ҳаётини хавф-хатардан асраса, бошқа томондан хавф даражасини оширади. Биламизки, болалар ўзларига тегишли йўлчоқ, велосипед, ва ниҳоят, қўл телефони билан мактабини яхши кўриша-

Қолаверса, у боланинг ташқи дунёга бўлган қизиқишини сўндириши мумкин. Бола одамови бўлиб қолиши мумкин, компьютер, интернет, мобил телефон уни одамлар билан жонли мулоқотда бўлишдан чегаралаб қўяди. Бундан келиб чиқадики, сиз виртуал аутист, яъни ташқи дунёдан ажралаб қолаётган одамни тарбиялаётган бўласиз. Богланиб қолиш натижасида бола қўл телефонисиз ўзини ҳеч кимга керак эмасдек, энди дўстлари у билан гаплашмай қўйдигандек ҳис қилади.

Ёзги таътил даврида болаларнинг бўш вақти кўп бўлади. Барча болалар ҳам ёзги оромгоҳлар ёки мактаб қошидаги соғломлаштириш масканларига боравермайди. Кўпчилик ота-оналар ишда бўлгани боис уларнинг фарзандлари қаровсиз қолиб кетади. Ота-она эса фарзандининг аҳолини билиб туриш мақсадида, яхши ниятда унга уяли телефон олиб беради. Уйда ёлғиз, назоратсиз қолган бола эса бу пайтда қўлидаги телефон билан ҳушига келганини қилиши мумкин. Аниқсиз, бу ҳол болалар ва ўсмирлар ўртасида кўпроқ учрайди. Кузатишлар натижасига кўра, ўсмир ёшидаги болалар, қизлар бўш вақтининг асосий қисmini ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда ўтказар экан.

Бироқ бу ҳам уларни зериктиргач, ўзлари билмаган ҳолда интернетда беҳаёликини тарғиб қилувчи сайтларга киришар экан. Бу эса, ўз навбатида, улар онгининг бевосита заҳарланишига сабаб бўлади. Фарзандининг келажаги ҳақида қайғурган ҳар бир ота-она bolasiga телефоннинг фақат алоқа воситаси эканлигини, ундан меъёридан ортиқ фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам тушунтиришлари шарт.

Болага телефон олиб бераётганда ота-она фарзандига қуйидагиларни ўқитиши мақсадга мувофиқ:

— "Мобил телефондан катталар фойдаланишди, сен уларга қўлинг, шунинг учун ҳам сенга телефон совға қилаёмиз. Бундан тўғри фойдаланиб, ишончимизни оқлашингга ишонамиз". Шунингдек, қуйидагиларни таъкидлаб ўқиш ҳам фойдадан холи бўлмайди:

— мусиқа эшитиб ҳаёлни бошқа нарсалар билан банд

ва уни тарқатиш ахлоқсизлик эканини тушунтириб қўйиш.

Шу ўринда мобил телефонлардан фойдаланиш бўйича кўплаб хорижий мамлакатларда амал қилинаётган ижобий тажрибалар, ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатлар хусусида ҳам тўхталиб ўтамиз.

Хориж тажрибасидан маълумки, Франция, Италия, Кипр ҳамда Исроил давлатларида боғча, мактаб, коллежларда уяли телефондан фойдаланиш ман этилган. Японияда поезд купесидида мобил телефондан фойдаланиш маданиятсизлик белгиси ҳисобланади. Буюк Британияда бир гуруҳ олимлар асаб тизими эндиgina ривожланаётган болалар учун мобил телефон зарарли, деган хулосага келишди. Инглизлар боланинг телефон орқали кераксиз гапларни гаплашишига йўл қўймаслик керак, чунки уни қулоққа ҳаддан зиёд яқинлаштириш мияга зарар, деган фикрда.

Германия Педиатрия академияси 2001 йили ота-оналарга фарзандларининг телефонда мулоқот қилишини чегаралаш мавзусида очик мурожаатнома эълон қилган. Испаниялик олимларнинг таъкидлашича, мобил алоқа воситасидан атиги 2 дақиқа давомидида фойдаланишдан кейинги икки соат давомидида бола миясининг биоэлектрик фаолиги сусайиши мумкин.

Венгриялик олимлар, болалигиданқо уяли алоқа воситасидан фойдаланган, 20—29 ёшли кишилар миясида шиш пайдо бўлиши мумкин, деган фикрни билдиришган.

Шу ўринда мобил телефонларнинг кўпайиши билан юзага келаётган яна бир муаммони таъкидлаш зарур. Ҳар йили 125 миллионга яқин уяли телефон ахлат қўтиларига ташланар экан. Аслида улар ишдан чиқмайди, шунчаки, эгаларининг жонига тегади, холос. Масалан, корейлар ўртача ҳисобда ҳар 11 ойда ўз мобил телефонларини алмаштирадilar. Агар аҳвол шу тариқа давом этаверса, яқин йилларда сайёрамиз аҳолиси уяли телефонлар чикиндисини муаммоси билан астойдил шуғулланишга мажбур бўлиши шубҳасиз.

И.ТУРҒУНОВ,

ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи

АТОМНИНГ СОЯСИ ТАСВИРГА ОЛИНДИ

Австралиялик олимлар узок вақт олиб борилган тайёргарлик ишлари натижасида кўлга киритилган нобб фотосуратда илк мартаба атомнинг соясини кўришга муваффақ бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бирикма таркибидан атомларни ажратиш олиш ҳамда уларни маълум вақт мобайнида ушлаб туриш осон кечмаган. Мавзуга доир мақола «Nature Communications» журналида эълон қилинди.

Тажриба объекти сифатида камёб металл — иттербий танлаб олинди. Мутахассислар иттербий атоми Паул қоп-қонига (Paul trap) жойлаштиришда ҳамда ноль ҳароратгача совутишди.

Сўнг ультратрафинаш нурларидан фойдаланиб, фотонлар (ёруғлик квантлари) Френел линзаси ёрдамида атомага йўналтирилди ва натижада нурлар атом томонидан сингдириб олинди. Ҳосил бўлган атом «соя»си эса совутилган зарядли камерага муҳланди.

— Биз амалда микроскопиянинг энг сўнгги нуктасига етиб бордик. Негаки, кўз ил-гайдиган ёруғлик ёрдамида ҳамма атомдан ҳам кичикроқ бўлган заррани кўришнинг иложи йўқ, — дейди Гриффит университети олими, профессор Дэвид Келпинский.

Олимнинг сўзларига қараганда, физикларнинг бир неча атомлар орасидан фақат биттасини ажратиш олиш катта муваффақият саналади.

— Бу каби тажрибаларнинг қиммати бекиёс, — дейди тадқиқот муаллифларидан бири доктор Эрик Стрид. — Улар атом физикаси борасидаги тасаввурларимиз тўғрлигини яна бир бор тасдиқлайди ва бундан ташқари квант компьютерлар каби қурилмаларни ишлаб чиқаришда амалий жиҳатдан ёрдам беради.

Эндиликда олимлар фотонларнинг атомлар томонидан сингдириб олиниши жараёнига алоҳида қизиқиш билдиришмоқда.

ЙИЛ КАШФИЁТИ: ОЛИМЛАР ЭНГ ТЕЗКОР ИНТЕРНЕТНИ ЯРАТИШДИ

Тель-Авив университетининг бир гуруҳ олимлари АҚШ фазовий агентлиги (NASA) ҳошидаги Жанубий Калифорния университети мутахассислари билан ҳамкорликда ўта тезкор симсиз интернет технологиясини ишлаб чиқишди. У маълумотларни 3000 мартаба тезкор узатиш имкониятига эга. Мазкур кашфиёт ҳақида NASA расмий сайти хабар беради.

Таъкидлаш кераки, бундан олдин ҳам NASA ҳарбий мақсадларда ўта тезкор интернетни ишлаб чиқаётгани ҳақида билдирган эди, аммо унинг тезлиги юқоридаги глобал тармоқ тезлигидан бироз ортда қоларди. Мутахассислар мазкур ишланма 2013 йилнинг энг оммабон ва харидор-гир янгиликларидан бири бўлишини башорат қилишмоқда. Уларнинг фикрича, янги тизимдаги интернет юсак технологиялар оламида чин маънодаги «омадли чипта»га айланади.

СТРЕССНИНГ ДАВОСИ — БИР ҲОВУЧ ПИСТА

Кундалик стресс ва руҳий ташқунлик юрак касалликлари, инсульт, инфаркт ҳамда гипертонияни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири саналади. Лекин унинг зарарли таъсирини камайтириш мумкин экан. Бунинг учун организмни ҳар куни антиоксидантлар билан тўйинтириш лозим. Антиоксидантларга бой маҳсулотлардан бири эса pista ҳисобланади. Мавзуга оид тафсилотлар Medportal.ru сайтида келтирилган.

АҚШнинг Пенсильвания университети олимлари хулосасига кўра, кун давомида истеъмол қилинган бир ҳовуч pista организмдаги стресс даражасини камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, ушбу шифобахш мева қон босимини пасайтиради, юрак-қон томир тизими билан боғлиқ муаммолардан ҳимоя қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, pista саратон касаллигининг ҳам олдини олади ҳамда очлик ҳиссини бартараф этиб, иштаҳани меъёрида ушлаб туради. Бироқ стресс пайтида тузланмаган pista истеъмол қилиш тавсия этилади.



ЭНДИ ХЕЧ КИМ ОРТИКЧА ВАЗНДАН АЗИЯТ ЧЕКМАЙДИ(МИ?)

Олимлар томонидан семизликка қарши вакцина ихтиро қилинди. У ортикча вазн билан курашишда иммун тизимини ишга солади. Препаратни синовдан ўтказиш жараёни ҳали давом этиши чикиши кутилмоқда, деб хабар беради The Daily Mail.

Тажрибада мазкур вакцина билан эмланган сиқонлар 4 кун ўтиб тана оғирлигининг 10 фоизидан холос бўлгани маълум бўлди. Шуниси эътиборлики, тажриба давомида жониворлар ёғли ёғуликлардан маҳрум этилмаган. Бундан келиб чиқадики, дори инсонларга овқат ейишни чекламай туриб ҳам, чиройли қоматни сақлаб қолишга ёрдам беради экан.



Вакцина организмга тушган иммун тизимини «алдаш» орқали уни соматостатин гормонига қарши моддалар ишлаб чиқаришга ундайди. Мия ҳамда овқат ҳазм қилиш тизими воситасида бошқарилувчи соматостатин бошқа гормонларга таъсир ўтказган ҳолда ёғ тўпланишини секинлаштиради.

«Journal Of Animal Science and Biotechnology» нашрида ёзилишича, вакцина ҳаёт учун муҳим бўлган бошқа гормонлар фаолиятига умуман таъсир кўрсатмас экан.

— Ушбу тадқиқот семизликни эмлаш орқали даволаш имконияти борлигини кўрсатади. Вакцинанинг вақт ўтиши билан юзага келиши мумкин бўлган асоратларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Аммо шунга қарамай, семизликни эмлаш орқали даволаш шифокорларга дори ҳамда жароҳлик амалиётисиз ҳам ушбу хасталикка қарши курашиш имкониятини бериши мумкин, — дея таъкидлайди АҚШнинг «Braasch Biotech» фирмаси тадқиқотчиси, доктор Кит Хейффер.

РОБОТ ОДАМ БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Аризона университети олимлари илк мартаба инсон қадамларини биологик жиҳатдан айнан такрорлай олувчи роботни яратишга муваффақ бўлдилар. Унинг ҳаракатларини содда нейрон тармоқ модели назорат қилади ҳамда «юриш» вақтида мушакларни бошқариб туради. Тереза Клейн ва Энтони Люис томонидан олиб борилган тадқиқотга оид мақола «Journal of Neural Engineering» нашрида эълон қилинди.

Уларнинг орқа миёсида тартибга солинган фаоллик генератори, автоматик тарзда юриш имкониятини берувчи нейрон тармоқ жойлашган. Генератор турли моносейтронларнинг маълум кетма-кетликда уйғониши ҳамда тўхташи учун жавобгар. Мияга ҳаракатланиш аппарати орқали етиб келувчи қайта алоқа ёрдамида ҳаракат жараёнида тартибга солиб турилади.

Иккита автоматлаштирилган оёқдан ташкил топган робот ҳаракатлари инсон асаб тизимидан нусха олиб яратилган механизм асосида бошқарилади.

Тартибга солинган фаоллик генераторининг ўзига хослиги шундаки, у ташқаридан сигнал келмаса ҳам, вақти-вақти билан асаб импульсларини бошқариб туради.

ВУЛҚОНЛАР АТМОСФЕРАГА ТАЪСИР ЎТКАЗИШИ МУМКИН

Аваллари Филиппиннинг Лусон оролида фаоллашган Пинатубо сингари йирик вулқонлар стратосферага газ ажратиб чиқариши мумкин, деб ҳисобланган. Айнан ўша Пинатубо 1992 йилда дунё ҳароратини 0,5 градусга пасайтирган. Тадқиқот натижалари «Science» журналида эълон қилинди.

— Газлар ҳамда стратосферагача етиб бормайдиган зарралар одатда ҳаво қобиғидан тезда қовилиб кетади, дея таъкидлайди тадқиқот ҳаммуаллифи, Ратджерс Университети (АҚШ) ходими Алан Робок. — Бироқ 2011 йилнинг 13 июнида Набро (Эритрея) вулқонининг отилиши кутилмаган оқибатлар сабабчисига айланди — Осиё муссонининг илқ ҳавоси вулқон буғларининг стратосферага етиб боришига ёрдам берди.

Илк бор олимлар вулқонлар об-ҳавога таъсир этиши учун ўта кучли бўлиши шарт эмаслигини исботлашди. Бунинг учун қулай об-ҳаво шароитининг ўзи кифоя. Тадқиқотчилар Оди йўлдошида жойлашган OSIRIS асбоби ёрдамида атмосферида турли қатламларидаги вулқон газлари бирикмаларини ўрганиш натижасида шундай хулосага келишди.

Албатта, бу каби вулқон отилиши камдан-кам ҳолларда иқлимга таъсир кўрсатиши мумкин, аммо олис ўтмишда бундай ҳодисалар тез-тез содир бўлиб тургани шубҳасиз. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Қизил денгиз жанубидаги Набро вулқони 1,4 миллион тонна олтин-гургурт диоксидининг ажралиб чиқишига сабаб бўлган, аммо, унинг портлаш кучи у қадар катта бўлмагани учун олимларнинг эътиборига тушмаган.

Висола ҚАРШИБОВЕВА,
Фирдавс ТОЙИРОВ тайёрлади.



Краснодар ўлкаси маъмуриятининг хабар беришича, Россиянинг мазкур худудда содир бўлган сув тошқини оқибатида жабр кўрганлар сони 30 минг кишига, ҳалок бўлганлар сони эса 171 нафарга етган.

Париж яқинидаги Витри-сюр-Сен (Vitry-sur-Seine) шаҳрида фарзандини боғчага олиб келган ота-оналардан бири номаълум шахслар томонидан гаровга олинган, дея хабар беради «Франс-Пресс» агентлиги.

Соса-Кола компанияси вакиллари эндиликда компания маҳсулотлари бутун дунё бўйлаб елим халқчаларга қадокланган ҳолда тарқатилишини эълон қилди.

Испаниянинг банк тизимида юзага келган инқирозни барқарорлаштириш мақсадида Европа Иттифоқи ушбу мамлакатга 30 миллиард евро миқдорида молиявий кўмак бериш фикрини қўллаб-қувватлади.

BBC News томонидан Жанубий Кореянинг Марказий Банки берган маълумотларга асосланиб, Корея Халқ Демократик Республикасининг иқтисоди ўтган йилгига қараганда 0,8 фоизга ошгани, сўнгги олти йил ичида иккинчи марта иқтисодий ўсиш кузатилигани маълум қилинди.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 74-умумтаълим мактаби томонидан 2010 йилда Рахмонова Ибодат Абдукамолевна номига берилган O'R-SH 0956327 рақамли шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий коллежига тегишли бўлган К №2696876 рақамли ҳеч бир ўқувчининг номига ёзилмаган диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Журналистика факультети «Тележурналат ва радиожурналистика» кафедраси доценти
АНВАРЖОН КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Физика факультети «Умумий физика, физика ўқитиш услуби ва атмосфера физикаси» кафедраси профессори
ТОХИРЖОН МУХТОРОВнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Гурунг

Гулпоча УЛФАТ

Жалолиддин РУМИЙ

КЕЛГУСИ КУН

Фикра

Қуёш заррин нурларини тоғ чўққилари оша ерга сочмаган, инсон кундалик қуюнчақлигини бошламаган палла — келгуси кун дейилади. Ҳали тонг шабадаси кун юзидаги парда-ни очиб улгурмаган, у янги кел-линчакдек кишилар назаридан яширинган.

Ҳеч ким бу кун ўзи билан нималар олиб келишини олдиндан айта олмайди. Бу кун гулзорларга шабнам ёғдирадими ёки жала куйдирадими, бу бизга номаълум! Бу кун икки дўстни зор йиғлатиб бир-биридан жудо қиладими ёки ошиқ-маъшукларни қовушти-

радими, бу ҳам бизга номаълум. Аммо бу номаълум кун киши қалбида муҳаббат уйғотади. Ҳар бир инсон ундан умидвор. Мана шу умид-орзулар борлиги учун ҳам биз бугун эртанинг ғамини еймиз.

Ҳар ким ҳам бир куни орзуимга эришаман, деб умид қиладди.

Бу кун хоҳ жума, хоҳ пайшанба, хоҳ узун, хоҳ қисқа, хоҳ қиш, хоҳ ёз куни бўлсин, барибир, эртанги кун дейилади, ҳар бир кишида умид-орзу тугедиради. Эртанги кун бугунгидан яхшироқ бўлади, деб кишида умид ҳосил қиладди.

Шундай орзу-умидлар натижасида дунёдаги ҳамма нарсалар кундан-кунга яхшиланиб борди. Дунё бозорида янги-янги нарсалар пайдо бўлади.

Биз эртанги кунга муҳаббат қўйишимиз ва бу муҳаббатни ардоқлашимиз лозим. Кимда-ким эртанги кунга муҳаббат қўймас ва келгуси кунга умид боғламас экан, ҳеч қачон яхши кунга етиша олмайди. Дунёнинг ҳар бир тараққиёти ва олға силжиши умид нури билан биргадир. Бу умид нури эса, ҳамма вақт келгуси кун билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

РУБОИЙЛАР

Мен зарраву хуришдлик ойим сенсан,
Бемор ғамингману давойим сенсан.
Учмоққа қанот йўқ, вале учгаймен,
Сомон бўлибман, қахрабойим сенсан.

Ай дил, қўзингни оч,
жаҳон ўтгусидир,
Умринг бу жаҳонда
ройгон ўтгусидир.
Тан манзилида маҳбусу ғофил қолма,
Манзил оша манзил
карвон ўтгусидир.

СОБИҚ ЎҒРИ

Бўлиши мумкин ҳикоя

Саид АХМАД

Ҳошимжон ҳолдан тойди. Қандай қилиб йиғин тутаганини, қандай қилиб уйига келганини билмайди.

Орадан уч кун ўтиб, телевизор кўриб ўтирса, бирдан тунов кунги илмий ходим чиқиб қолди. У яна ўша гапни қайтарар, учрашувда олинган кинолентани кўйиб, «собиқ ўғрилар»нинг башарасини кўрсатарди.

Ер ёрилмади-ю, Ҳошимжон ерга кириб кетмади. Чунки ёнида икки невараси, келини ўтирибди. Ундан ташқари, неча минглаб шогирдлари шу топда «собиқ ўғри» устозларини кўриб ўтиришгандир...

Шу гапдан буён орадан саккиз ой ўтди. Ўша илмий ходим фан кандидати деган илмий даражага сазовор бўлди.

Бу гаплардан уни кандидат қилган «собиқ ўғри»нинг хабари йўқ эди.

мий ходим келди. Бола тарбияси ва қонун деган мавзуда эзилиб гаплашиб ўтиришди. Гап орасида у Ҳошимжондан:

— Милиция қўлига тушиб чиққанингиздан кейин ўзингизга қандай хулосалар чиқарганиз? — деб сўраб қолди.

Ҳошимжон нима дейишини билмай, бирпас чайналди. Кейин жавоб қилди:

— Бу гапга қирқ йилдан ошган. Ҳозир эсимда йўқ қанақа хулоса чиқарганим.

— Ҳар ҳолда, — деди илмий ходим.

— Ҳар ҳолдами? Ҳар ҳолда, ўзимга тегишли хулоса чиқарган бўлишим керак. Ўшандан кейин қовун емайдиغان бўлиб кетганман.

— Демак, милициянинг тарбиявий ролини инкор қилмайсиз?

Ҳошимжоннинг гаши келди, шундоқ бўлса ҳам, ҳа, албатта, деди.

Шу билан гап тамом бўлди. Аммо орадан сал кун ўтиб, уйига бир таклифнома келди. Унда «Ҳурматли Ҳошимжон Олимжонов, билим юрти талабалари билан учрашувга келишингизни илтимос қиламиз», дейилганди.

Бунақа жойга, яна мана-винақа таклифга йўқ деб бўлармиди. Ҳошимжон соқолини қиртишлаб, яхши костюмини кийиб, етиб борди.

Билим юрти клубига одам сиғмайди. Эшикда «Телемарказ» деб ёзилган автобус. Ичкарасида прожекторлар, кинооператорлар...

Ҳошимжонни минбарга таклиф қилишди. Қараса,

тунов кунги илмий ходим юқорида ўтирибди. Бунга ҳам Ҳошимжон ҳайрон бўлмади, ўтирган бўлса, ўтиргандир-да, деб қўя қолди. Аммо у минбарга чиқиб, гап бошлаганда ҳайронликдан оғзи очилиб қолди. Илмий ходим берилиб, овозини гоҳ баланд, гоҳ паст қилиб гапирарди:

— ... Мана, қаршингизда собиқ жиноятчилар, йўлтўсарлар, майда ўғрилар...

Ҳошимжоннинг кўзи тиниб кетди. Гапнинг давомини эшита олмади. Чунки қулоғи шанғиллаб, боши айланиб кетганди. Илмий ходим давом этаяпти:

— Аммо бу жиноятчилар бизнинг ёрдамимизда қайта тарбияланган, жамиятимизнинг онгли граждандарига айланган...

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

ИБН СИНО


ҚОВУН

АНЖИР

УЗУМ

Пишгани латиф, хоми ғализдир.

Терини тозалайди, айниқса, уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ ва бошнинг кепакланишини йўқотишда фойда қиладди.



Пўчоғи манглайга ёпиштирилса, қўзга тушадиган назлаларга тўсиқлик қиладди.

Қовуннинг етилгани ҳам,

хоми ҳам сийдик ҳайдайди. Буйрак ва қовуқдаги майда тошларни, айниқса, буйракдаги майда тошларни бартараф этишга ёрдам беради.

Анжирнинг ўзига хос табиати бор...

Анжир шиннисининг таъсири асал таъсирига ўхшайди.

Анжирдаги озиқлик қуввати гарчи дон ва гўштникичалик бўлмаса ҳам, бошқа барча меваларга нисбатан тўқ тутади.

Анжирнинг хомини, унинг баргини хол, сўтал ва уларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади.

Ҳўл ва қуруқ анжир тутқаноқ касалини даволашда фойда қиладди...

Анжирни қулоқ остида пайдо бўлган шишларга қўйиб боғланса ҳам фойдали.

Анжирнинг шарбати сутни кўпайтиради. Уни майдаланган бодом билан ейилса, юмшатувчи ва (ични) енгил сурувчидир...




Қаттиқлик, юмшоқлик, ширинлик ва бошқа хислатлари тенг бўлса, оқи қорасидан яхшироқ ҳисобланади. Узилганидан кейин икки ёки уч кун сақланган узум ўша куни узилганидан яхшидир.

Янги узилган узум (ични) дам қиладди. Асраб, осиб қўйилгани яхши озиқли бўлиб, баданни қувватли қиладди.

Майиз жигар ва меъданинг дўстидир.

Узум майиз уруғи билан биргаликда ёйилса, ичак оғриқларига яхши; майиз эса, буйрак ва қовуққа фойда қиладди.



"КИЧКИНТОЙ" ЮЛДУЗЛАРИ

Юртимизда болалар ўртасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Кичкинтой» халқаро турнири ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқиши ва интилиши, меҳр-этиборини тобора кучайтиришга хизмат қилиб келмоқда.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича «Кичкинтой» бешинчи болалар халқаро очиқ спорт мусобақаси гала-концерти ҳам ана шу этиборнинг яна бир намунаси бўлди.

«Ўзбекистон маланияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Фо-

рум юниор спорт» болалар спорт мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур мусобақада юрти-

миз ҳамда қозоғистонлик ёш спортчилар иштирок этди.

Таъкидлаш лозимки, барча спорт турлари каби бадий гимнастикага ҳам мамлакатимизда кенг этибор қаратилаётганлиги халқаро мусобақа ва кўрик-танловларда ёшларимизнинг юқори натижаларни қўлга киритишида намоён бўлаётган бўлса, шу билан биргаликда ёшлар ўртасида спорт билан мунтазам шу-

ғулланувчи йигит-қизлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Икки кун давом этган мусобақада иштирокчилар тасма, ҳалқа, булава ёрдамида ва предметсиз машқларни яққа ва жамоа таркибида намойиш этдилар. Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди. Ижрочи ёшлар ва болалар бадий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Дилноза
ҲАКИМОВА

ТЕННИС КЛУБИ ЁШЛАР БИЛАН ГАВЖУМ



Ёзги таътил мавсумида шаҳар ва қишлоқларимиздаги замонавий спорт иншоотлари мактаб ўқувчилари билан янада гавжумлашади.

Қарши шаҳридаги марказий теннис клуби қошида ташкил этилган тўғаракларда ҳам шу кунларда машғулотлар қизгин.

Бу ерда юз нафардан зиёд ўғил-қиз катта теннис сирларини ўрганмоқда. Тўрт нафар малакали мураббий ёш теннисчилар билан машғулотларни ўндан ортиқ замонавий спортларда олиб бормоқда.

— Теннис кўп ҳаракат талаб қиладиган ўйин, — дейди клуб мураббийи Олим Аннакулов. — Шунинг учун машғулотларда асосий этиборимизни болаларнинг умумий жисмоний ривожланишига қаратамиз. Уларга югуриш, сакраш ва рақсга хос ҳаракатларни ўргатамиз, гимнастика ва сузиш билан ҳам шуг'ullanishi зарурлигини тушунтирамиз. Бу ёш спортчиларда энцилик, тезкорлик ва мўлжални аниқ олиш билан боғлиқ муҳим кўникмалар шаклланишига хизмат қиладди.

Суратда: ёш теннисчилар.
Жамийд НОРҚОБИЛОВ
(ЎЗА) олган сурат.

"ЎЗИМИЗНИ АРХЕОЛОГЛАРДЕК ҲИС ҚИЛАМИЗ"

дейди тўғарак аъзолари

Хўжабод туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказининг «Ёш ўлкашунослар» тўғараги аъзолари «Ўзлигингдан айланай, ўлкам!» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. Вилоятда ташкил этилган «Гийҳавандлик — аср вабоси» мавзусидаги тадбирда марказнинг «Тасвирий санъат» тўғараги аъзолари чизган суратлар биринчи ўринга муносиб топилди. Ўқув йили давомида ўтказилган турли кўрик-танлов ва фестивалларда фаол иштирок этган ўқувчилар таътилда ҳам тиниб-тинчигани йўқ.

— Марказимизда 16та тўғарак фаолият юритади, — дейди директор Мухайё Рафурова. — 320 нафар ўқувчи билан 25 нафар тажрибали педагог тўғарак машғулотларини олиб боради. Болалар кўпроқ «Ёш ўлкашунос-

шимизни истардингиз?» каби саволлар билан сўровнома ўтказилди. Натижа шуни кўрсатдики, ўғил болаларнинг кўпчилиги косиблик, сартарошлик, техника йўналишидаги тўғаракларга қизиқар экан. Шуни эътиборга олган

моқда. «Ёш ўлкашунослар» тўғараги аъзолари туман тарихи, аҳоли турмуш тарзи, қадимий қадимжоларни ўрганиш учун саёҳат уюштираяпти. Улар аҳоли билан суҳбатлашиб, қизиқарли маълумотларни тўплашга муваффақ бўлишмоқда.

— 40-ихтисослаштирилган мактабда таълим олиш билан бирга, марказдаги «Ёш ўлкашунослар» тўғарагида шуг'ullanаман. Сайру саёҳатни, табиати яхши кўрганим учун шу йўналишни танлаганман. Тўғарак раҳбаримиз Дилором Асророва қизиқарли машғулотлар олиб боради. У киши билан тоғли ҳудудлар рельефи, қазилма бойликлари, флора ва фаунасини ўрганиш, гербарийлар тайёрлаш учун тез-тез экспедициялар уюштириб турамиз. Айниқса, баҳорги ва ёзги таътилда тоғу тошларда сайр қилиш, қазилма ишларини олиб бориш бизга завқ бағишлайди. Шундай пайтда ўзимизни худди археологлардек ҳис қиламиз, — дейди тўғарак аъзоси Тоҳир Маҳмамов.

Шарифа МАДРАХИМОВА

Мақтадан tashqari ta'lim muassasalarida

лар», «Либослар дизайнери», «Компьютер сабоқлари», «Моҳир кўллар» тўғаракларига қизиқиш билдираяпти.

2011—2012 ўқув йили тумандаги мактаб ўқувчилари орасида «Қайси касб-хунар сирларини ўрганиш ниятидасиз?», «Нималарга қизиқасиз?», «Марказимизда қанақа тўғаракларни ташкил эти-

холда, марказда «Косиблик» тўғараги ташкил этилди. Бугунги кунда йигирмадан зиёд ўғил болалар пойабзалларни таъмирлаш, кавуш-маҳси, аёллар оёқ кийими тиқини ўрганмоқда.

Таътилда ҳам тўғараклар гавжум. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этил-



ТЕННИС ТРАНСЛЯЦИЯСИ РЕКОРДИ

«The Daily Telegraph» нашрида ёзилишича, Уимблдон турнирининг эркаклар ўртасидаги финал учрашуви трансляциясини 11,4 миллион нафар томошабин кузатиб борган. Унда британиялик Энди Мюррей ҳамда швейцариялик Рохер Федерер ўзаро куч синашганди.

Манбада ёзилишича, бундай рекорд кўрсаткич 1938 йилдан буён ўтказиб келинаётган Уимблдон турнири тарихида илк бор кузатилди. Шунга қарамай, теннис ишқибозлар тўплашда футболдан анча ортда қолаётди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, яқинда нихоясига етган «Евро-2012»дан ўрин олган Англия ва Италия учрашуви трансляциясини 20,3 миллион нафар инсон томоша қилган.

«Уимблдон-2012» финалида Федерер тажрибали рақиб Мюррейни тўрт сет натижасига қўра, 4:6, 7:5, 6:3, 6:4 ҳисобида маглубитга учратиб, ўз фаолиятидаги 17-совринни қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида эса финалга қадар Агнешка Радванска ва Серена Уильямс етиб келганди. Уч сет давом этган баҳсда Серенанинг қўли балад келди: 6:1, 5:7, 6:2.

10 ЙИЛДАН СЎНГ

Футбол бўйича Голландия терма жамоасининг «Евро-2012»да кўрсатган қонқарсиз ўйинидан сўнг мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Берт Марвейк истеъфого чиқарилганди. Унинг ўрнига анчадан буён ишсиз юрган Луи Ван Гал тайинланди.

Тажрибали мутахассис Ван Гал футболчи ҳамда мураббий сифатида кўпчиликка яхши таниш. У ўз вақтида Европанинг энг номдор клублари шарафини ҳимоя қилган, шунингдек, «Аякс», «Барселона», «Бавария» сингари гранд клубларни бошқарган.

Ван Гал билан 2014 йилнинг 1 августига қадар шартнома имзоланди. У голландларни Бразилияда ўтказиларган мундагалга олиб бориши ва муваффақиятли қатнашишини таъминлаши керак.

Луи Ван Гал голландларга аввал ҳам устозлик қилган, бироқ шогирдларини «ЖЧ-2002»нинг финал босқичига олиб чиқолмаганди. Голланд футболчи мутасаддиларининг фикрича, орадан ўн йил ўтди, мазкур давр мобайнида у чинакам мураббий сифатида шаклланди ва улкан тажриба тўплади.

БУГУН ГАЛДАГИ ТУР БОШЛАНАДИ

Ёз мавсуми велоспортчиларга медаллар жамғариш учун энг қулай фурсат ҳисобланади. Францияда давом этаётган «Тур де Франс» кўпкунлик велопойғаларининг 9-босқичи ҳам ўз нихоясига етди.

Унда «Sky» жамоаси вакили британиялик Брэдли Уитгинсга омад қилиб бокди. У мустақил старт билан бошланган кимўзарда 41,5 километрлик масофани ҳаммадан олдин босиб ўтди ва рақибларига имконият қолдирмади.

Иккинчи ўринни унинг жамоадoshi Крис Фрум эгаллади. Қўли уқлиқни яқинлаш олимпиядада ўйинлари чемпиони Фабин Канчелларга насиб этди.

Умумий ҳисоб бўйича иштирокчилар рўйхатини Б.Уитгинс бошқараяпти. Иккинчи ўринда Кэдел Эванс ва учинчи ўринда К.Фрум номи кўрсатилган.

ЎН ИККИНЧИ «ҲИМОЯ ЖАНГИ»

Украиналик таниқли боксчи Владимир Кличко IBF (Халқаро бокс федерацияси) таснифидagi чемпионлик камарини ҳимоя қилиш учун америкалик чарм кўлқоп соҳиби Тони Томпсонга қарши рингга чиқди.

Кличко ва Томпсон ўртасидаги жанг Берн шаҳрида бўлиб ўтди. Ажойиб муштаклашув 6-раундда украиналик боксчининг ёрқин галабаси билан нихоясига етди. Владимир рақибини қучли ва ноқулай зарбаси билан нокаутга учратди. Шу тарихда чемпионлик камарини Кличко қаторасига ўн иккинчи марта ишончли тарзда ҳимоя қилди.

Кличко 2008 йили Гамбург шаҳрида ҳам Томпсонга рўбарў келганди. Ушанда у рақибини 11-раундда нокаутга учратганди.

Владимир Кличко IBFдан ташқари, WBO (Жаҳон боксчилар ташкилоти) ва WBA (Жаҳон боксчилар ассоциацияси) таснифидagi чемпионлик камарларига ҳам эгалик қилмоқда.

Ноҳира РЎЗИЕВА,
Садоқат МАХСУМОВА
тайёрлади.

«ҚУЁШЛИ»НИНГ БИР КУНИ



(Давоми. Боши 1-7-бетларда.)



— Ўтган ўқув йилида мактабимиздан Бехруз Аликулов беллашувнинг вилоят босқичида қатнашиб, 2-ўринни олган эди. Мен унга жуда ҳавас қилганим боис дарсларга қизиқишим орди, кўрик-танловга жиддий тайёрлана бошладим, — дейди Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Темур Отахонов. — Бу йил танловда давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан 1-ўринни қўлга киритдим. Мана, сўлим масканда ҳордиқ чиқариб, дўстлар орттириш насиб этди.



Билимдон, зукко болажонлар билан суҳбатлашар эканмиз, ҳар бирининг тилида мустақил Ўзбекистон фарзанди эканидан ғурур-ифтихор, кўрсатилаётган эътибордан мамнулик ҳисси кучлилигини, қалбларида келажакка ишонч порлаётганини кўриб қувондик.

БИЛИМДОНЛАР СПОРТ БЕЛЛАШУВЛАРИДА

Оромгоҳда футбол, волейбол, теннис, стол тенниси, шахмат, шашка ва бошқа спорт турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар уюштириб турилди. Айниқса, билимдонларнинг «Ўзбеким йигитлари» ва оромгоҳ етакчиларидан иборат «Қуёшли» жамоалари ўртасида кечган футбол баҳси қизгин ва мurosasiz ўтди. Билимдонлар спортда ҳам юксак маҳорат эгаси эканини намойён этди.

Бобо қуёш ҳам болажонлар билан хайрлашишни хоҳламаётгандек, истар-истамас тоғ ортига шўнғиб бораркан, «Қуёшли»да ашула ва рақс, сахна кўринишларидан иборат концерт дастури бошланди...



Жаҳонгир МУСАЕВ,
Ғолиб БАҲРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари
В.ГРАНКИН олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi, Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), «Учитель Узбекистана», Алексей CHUKARIN (mas'ul kotib, «Учитель Узбекистана»), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-718.
Tiraj 33294.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar tagriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,

Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:

Nasiba ERXONOVA.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Y'a aksiy — 21.20
Topshirildi — 22.20